

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

17-сон
(1089)
2023 йил
апрель

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

132. «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 апрелдаги ЎРҚ–832-сон Қонуни
133. «Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 26 апрелдаги ЎРҚ–833-сон Қонуни
134. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳарбий соҳада ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2022 йил 21 июнь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 28 апрелдаги ЎРҚ–834-сон Қонуни

135. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2022 йил 21 июнь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 28 апрелдаги ЎРҚ–835-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

136. «Ёшларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда уларни доимий иш билан таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 апрелдаги ПФ–61-сон Фармони

Учинчи бўлим

137. «Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларидан фойдаланиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 апрелдаги 170-сон қарори

Бешинчи бўлим

138. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувнинг 2023 йил 29 мартдаги 8/8-сон «Банклар ва уларнинг филиаллари биноларида касса тармоқларини тузилишига қўйиладиган техник талабларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2816-2*)
139. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 25 апрелдаги 10/7-сон «Бенефициари бюджет ва корпоратив буюртмачилар бўлган тўловларни амалга оширишда тўланадиган воситачилик ҳақи (йиғимлар)нинг чегаравий миқдорини белгилаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3429*)
140. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi direktorining 2023-yil 14-apreldagi 30-mb-son «Statistika hisobotini elektron shaklda taqdim etish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida»gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 26-aprelda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3312-3*)
141. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 29 мартдаги 8/6-сон «Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги*

томонидан 2023 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3003-4)

142. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 31 мартдаги 8/7-сон «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3028-7)*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****132 Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил
15 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 6 апрелда
маъқулланган

Давлат чегараси давлат мустақиллигини, суверенитети ва бирлигини мужассам этиш ҳамда таъминлашнинг энг муҳим воситаларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси ва ҳудуди дахлсизлиги ҳамда бўлинмаслиги принципига амал қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлаш тизимининг энг муҳим таркибий қисмидир. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишни таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш учун масъул бўлган ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлигига салбий таъсир кўрсатадиган омиллар бартараф этилишини талаб қилади.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг айрим турларини кўриб чиқиш, маъмурий йўл билан ушлаб туриш, транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўриқдан ўтказиш ваколатлари берилишини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаганлик, қўриқлашнинг техник воситаларини йўқ қилганлик ёки уларга шикаст етказганлик учун жавобгарлик белгиланишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг қонуний талабларини бажармаганлик ёки уларнинг ўз хизмат бурчини бажаришига қаршилик кўрсатганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилишини назарда тутувчи тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини янада ишончли қўриқлаш ва ҳимоя қилишни таъминлашга, шунингдек Ўзбекистон

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 26 апрелда эълон қилинган.

Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг ваколатларини аниқлаштиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда) қўйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 14-модда иккинчи қисмининг:

биринчи жумласи «194¹» рақамидан кейин «196¹» рақами билан тўлдирилсин;

иккинчи жумласидаги «194 ва 194¹-моддаларида» деган сўзлар «194, 194¹ ва 196¹-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 196-модданинг:

номидаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

диспозициясидаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 196¹-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«196¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчисининг қонуний талабларини бажармаслик

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчисининг ҳуқуқбузарликларни тўхтатиш, ҳужжатларни текшириш учун тақдим этиш, кўрсатилган муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бўлинмаларига (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга) бориш ёки ушбу бўлинмаларда ҳозир бўлиш тўғрисидаги қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик, транспорт воситасини тўхтатиш, жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик ёхуд Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчисининг қонуний талабларига бошқача тарзда бўйсунмаслик, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан ўн икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил ичида тақрор содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн икки бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади»;

4) қуйидаги мазмундаги 196²-модда билан тўлдирилсин:

«196²-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг ўз хизмат бурчини бажаришига қаршилик кўрсатиш

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчисининг ўз хизмат вазифаларини бажариши билан боғлиқ қонуний талабларини бажармасликка омма олдида ҳар қандай шаклда даъватлар қилиш, худди шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларига оммавий равишда

бўйсунмасликни келтириб чиқариш мақсадида била туриб сохта уйдирмаларни тарқатиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

5) **224²-модданинг номи ва биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«224²-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасида барпо этилган муҳандислик-техника иншоотларини ва тўсиқларни, шунингдек қўриқлашнинг техник воситаларини йўқ қилиш ёки уларга шикаст етказиш

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасида барпо этилган муҳандислик-техника иншоотларини ва тўсиқларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган қўриқлашнинг техник воситаларини йўқ қилиш ёки уларга шикаст етказиш»;

6) **245-модданинг биринчи қисми** «196¹» рақамидан кейин «196²» рақами билан тўлдирилсин;

7) **247-модданинг матнидаги** «194 ва 194¹-моддаларида» деган сўзлар «194, 194¹ ва 196¹-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **248²-модданинг биринчи қисмидаги** «224-моддасида ва 224¹-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар «224-моддасида, 224¹-моддасининг биринчи қисмида, 225-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **287-модданинг 2-бандидаги** «184², 184³, 196¹, 224-моддаларида, 224¹-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 224²-моддасида» деган сўзлар «184², 184³, 196¹, 196², 224-моддаларида, 224¹-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 224²-моддасида, 225-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **291-модда биринчи қисмининг «е» бандидаги** «196¹, 224-моддаларида, 224¹-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 224²-моддасида» деган сўзлар «196¹, 196², 224-моддаларида, 224¹-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 224²-моддасида, 225-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **305-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ушбу Кодекснинг 51², 51³, 51⁴, 51⁵, 51⁶, 51⁷, 51⁸, 51⁹, 170, 180, 181, 183, 187, 194, 194¹-моддаларида» деган сўзлар «Ушбу Кодекснинг 51², 51³, 51⁴, 51⁵, 51⁶, 51⁷, 51⁸, 51⁹, 170, 180, 181, 183, 187, 194, 194¹, 196¹-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етқа-

зилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 25 апрель,
ЎРҚ–832-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

133 Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил
27 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 2 мартда
маъқулланган

Мамлакатимизда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш, шунингдек фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг, мансабдор шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқ фаолият юритишини таъминлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни маъмурий судларда кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш орқали суд назоратининг қўлланилиш соҳасини кенгайтириш, қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) қонунга ҳилоф эмаслигини маъмурий судда исботлаш мажбуриятини уни қабул қилган мансабдор шахснинг зиммасига юклатиш тартибига қатъий риоя этилишини таъминлаш, шунингдек суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишнинг самарали механизмларини жорий этиш назарда тутилган.

Ҳозирги вақтда маъмурий суд ишларини юритишда аризачи ҳокимият ваколатларига эга бўлган маъмурий органга, унинг мансабдор шахсига — жавобгарга нисбатан тенгсиз ҳолатдадир. Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича чиқарилган суд ҳужжатининг давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан ихтиёрий равишда ижро этилишини таъминлаш устидан самарали назорат механизми ҳам назарда тутилмаган. Бунинг натижасида фуқароларнинг ёки юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб чиқарилган суд ҳужжатлари кўп ҳолларда давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан ижро этилмасдан қолмоқда.

Бундан ташқари даъво аризасини (аризани), шикоятни ёхуд ишни уларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган судга ўтказган ҳолда, судлар томонидан даъво аризасини, аризани, шунингдек шикоятни судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли қабул қилишни рад этишни ёки иш бўйича иш юритишни тугатишни тақиқлаш белгиланиши зарурати юзага келмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ушбу Қонун суд тизимида «ягона

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 27 апрелда эълон қилинган.

дарча» принципини кенг жорий этиш мақсадида аризаларни судга тааллуқлигидан қатъи назар, қабул қилишга ва ваколатли судга юборишга ҳамда муайян иш доирасида барча ҳуқуқий оқибатларни ҳал қилишни таъминлаш тизими жорий этилишига, маъмурий суд ишларини юритиш «суднинг фаол иштироки» принципи асосида амалга оширилишига, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар билан бир қаторда унга сабабий боғланишда бўлган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги талабнинг маъмурий суд томонидан кўрилишига, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича тарафларга келишув битимини тузиш ҳуқуқи берилишига, суд ҳужжатлари маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа органлар, шунингдек ташкилотлар томонидан ижро этилмаган тақдирда, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан суд жарималари қўлланилишига доир процессуал қоидаларни белгилайди.

Ягона суд амалиётини таъминлаш ҳамда қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида ушбу Қонунда жиноят процессида кассация инстанцияси судининг хусусий ажримига, фуқаролик процессида кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдиришга, кассация шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатишга доир процессуал қоидалар ҳам назарда тутилган.

Ушбу Қонун давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлашга, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатишга, маъмурий суд ишларини юритишни халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштиришга ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12,

452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, №2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда) қуйидаги мазмундаги **509¹⁴-модда** билан тўлдирилсин:

«509¹⁴-модда. Кассация инстанцияси судининг хусусий ажрими

Кассация инстанцияси суди ушбу Кодекснинг 298 ва 300-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, шунингдек тегишли мансабдор шахсларнинг эътиборини суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси жараёнида йўл қўйилган камчиликларга қаратиш зарур бўлган тақдирда хусусий ажрим чиқаради».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 3, 165-модда, № 5, 267-модда, № 8, 469-модда, № 9, 588, 592-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 6, 337-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда) **167-моддасининг бешинчи хатбошисидаги** «назорат тартибида» деган сўзлар «кассация тартибида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «**Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида**»ги 258–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 7,

389-модда, № 8, 469-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар; 2022 йил, № 4, 337-модда, № 6, 570-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг 1-бандидаги** «фуқаролик ишлари ва иқтисодий низолар бўйича судларнинг» деган сўзлар «фуқаролик ишлари бўйича судларнинг, иқтисодий ва маъмурий судларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **27-модда биринчи қисмининг 1-банди** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«1) суд ҳужжатлари асосида бериладиган ижро варақалари — уч йил ичида»;

3) **38-модданинг:**

биринчи ва иккинчи қисмлари қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суд томонидан берилган ижро ҳужжатида асосан қўзғатилган ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш ўша суд ёки давлат ижрочиси турган жойдаги суд томонидан амалга оширилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилмаган ижро ҳужжатлари бўйича ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш давлат ижрочиси турган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан амалга оширилади»;

учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал ёки Жиноят-процессуал кодексларида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал ёки Жиноят-процессуал кодексларида ёхуд Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **86¹-модда** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«86¹-модда. Давлат ижрочисининг қарорлари устидан шикоят бериш ва протест келтириш. Давлат ижрочисининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят бериш

Давлат ижрочисининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қарор чиқарилганлиги тўғрисида хабар қилинган кундан ёки манфаатдор шахсга ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳақида маълум бўлган пайтдан эътиборан ўн кунлик муддатда давлат ижрочиси жойлашган ердаги маъмурий судга ёхуд бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга берилади.

Давлат ижрочисининг қарорига қонунда белгиланган тартибда прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда, № 9,

592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791, 792-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1, 3-моддалар, № 3, 198, 199-моддалар, 2021 йил, № 1, 8-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 8, 787-модда) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **27-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзаро боғлиқ бўлган, баъзилари фуқаролик ишлари бўйича судга, баъзилари эса маъмурий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди»;

2) қўйидаги мазмундаги **31¹-модда** билан тўлдирилсин:

«31¹-модда. Иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича суддан бошқа судга ўтказиш

Талаб фуқаролик ишлари бўйича судга судга тааллуқлилиқ қоидалари бузилган ҳолда тақдим этилган тақдирда, даъво аризаси (ариза) тааллуқлилигига кўра иқтисодий судга ёки маъмурий судга кўриб чиқиш учун ўтказилади.

Агар ишни кўриб чиқиш жараёнида даъво аризаси (ариза) судга тааллуқлилиқ қоидалари бузилган ҳолда иш юритишга қабул қилинганлиги аниқланса, фуқаролик ишлари бўйича суд иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра иқтисодий судга ёки маъмурий судга кўриб чиқиш учун ўтказиш ва фуқаролик суд ишини юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Даъво аризасини (аризани), иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга ўтказиш тўғрисидаги фуқаролик ишлари бўйича суд ажрими устидан хусусий шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Фуқаролик ишлари бўйича суддан тааллуқлилигига кўра бошқа судга ўтказилган даъво аризаси (ариза), иш материаллари ўзига ўтказилган суд томонидан қабул қилиб олинishi керак.

Ўзбекистон Республикасида судлар ўртасида судга тааллуқлилиқ тўғрисидаги низоларга йўл қўйилмайди»;

3) **75-модданинг учинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иқтисодий ёки маъмурий суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бошқа ишни кўраётган суд учун иқтисодий ёки маъмурий суднинг ҳал қилув қарори билан аниқланган ва ишда иштирок этувчи шахсларга тааллуқли бўлган ҳолатлар тўғрисидаги масалалар бўйича мажбурийдир»;

4) **124-модданинг 1-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) иш фуқаролик ишлари бўйича судга, иқтисодий судга ёки маъмурий судга тааллуқли бўлмаса»;

5) **192-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Судья аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш ёхуд судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга ўтказиш ҳақидаги масалани ариза судга келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай яқка тартибда ҳал этади. Аризани иш юритишга қабул қилиш, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш ёхуд аризани судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга ўтказиш тўғрисида ажрим чиқарилади. Аризани

иш юритишга қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш, шунингдек аризани тааллуқлилигига кўра бошқа судга ўтказиш тўғрисидаги ажримнинг кўчирма нусхаси ариза ва унга илова қилинган хужжатлар билан бирга аризаچига ажрим чиқарилгандан кейинги кундан кечиктирмай юборилади.

Иқтисодий ёки маъмурий суддан ариза ёки иш материаллари судга тааллуқлилигига кўра келиб тушганда судья ариза ушбу Кодекснинг 189, 190 ва 191-моддаларида кўрсатилган талабларга мувофиқ эмаслигини аниқлагач, ариза судга келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай даъвогарни (аризачини) камчиликларни бартараф этиш зарурлиги тўғрисида хабардор қилади ва унга бунинг учун ўн кундан ошмайдиган муддат беради»;

6) 194-модда:

биринчи қисмининг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) арз қилинаётган талаб фуқаролик ишлари бўйича судга, иқтисодий судга ёки маъмурий судга тааллуқли бўлмаса»;

учинчи қисмидаги «талаб судга тааллуқли бўлмаса ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) 195-модданинг биринчи қисми қуйидаги мазмундаги 4¹-банд билан тўлдирилсин:

«4¹) даъвогар (аризачи) судьянинг ушбу Кодекс 192-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган кўрсатмасини белгиланган муддатда бажармаган бўлса»;

8) 387-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Прокурор иштирокисиз кўриб чиқилган иш бўйича апелляция протестига тарафнинг мазкур протестни келтириш учун асос бўлиб хизмат қилган мурожаатининг кўчирма нусхаси илова қилинади»;

9) 399-модда:

4-бандининг ўзбекча матнидаги «ҳақли» деган сўз чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **5-банд** билан тўлдирилсин:

«5) агар иш судга тааллуқлилиқ тўғрисидаги қоидалар бузилган ҳолда кўриб чиқилган бўлса, ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга юборишга ҳақли»;

10) 402-модда:

3-бандининг ўзбекча матнидаги «ҳақли» деган сўз чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **4-банд** билан тўлдирилсин:

«4) ажримни бекор қилишга ва даъво аризасини (аризани), иш материалларини кўриб чиқиш учун судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга юборишга ҳақли»;

11) қуйидаги мазмундаги **407⁸** ва **407⁹-моддалар** билан тўлдирилсин:

«407⁸-модда. Кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш

Агар кассация шикояти (протести) иш юритишга қабул қилингандан кейин кассация шикоятининг (протестининг) имзоланмаганлиги ёки уни им-

золаш ҳуқуқига эга бўлмаган ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланганлиги аниқланса, кассация инстанцияси суди кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдиради.

Кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш тўғрисида суд ажрим чиқаради.

Кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолат бартараф этилганидан кейин кассация шикояти (протести) ушбу Кодексда белгиланган тартибда судга янгидан берилиши мумкин.

407⁹-модда. Кассация шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш

Кассация инстанцияси суди кассация шикояти (протести) бўйича иш юритишни қуйидаги ҳолларда тугатади, агар:

1) кассация шикояти (протести) апелляция тартибида кўрилмаган ёки ушбу Кодексга мувофиқ кассация тартибида шикоят қилинмайдиган (протест келтирилмайдиган) суд ҳужжати устидан берилган ва у иш юритишга хатога йўл қўйилиб қабул қилинган бўлса;

2) кассация шикояти (протести) кассация тартибида кўрилган суд ҳужжати устидан берилган ва у иш юритишга хатога йўл қўйилиб қабул қилинган бўлса;

3) кассация шикояти (протести) суд ҳужжати устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса;

4) кассация шикоятидан воз кечиш тўғрисидаги ариза кассация шикоятини берган шахсдан кассация шикояти иш юритишга қабул қилинганидан кейин келиб тушган бўлса;

5) протестни чақириб олиш тўғрисидаги ариза протест келтирган прокурордан ёки юқори турувчи прокурордан кассация протести иш юритишга қабул қилинганидан кейин келиб тушган бўлса;

6) ишда тараф бўлган юридик шахс кассация шикояти (протести) бўйича суд ҳужжати қабул қилингунига қадар тугатилган бўлса;

7) ишда тараф бўлган фуқаро кассация шикояти (протести) бўйича суд ҳужжати қабул қилингунига қадар вафот этса, низоли ҳуқуқий муносабат эса ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.

Кассация шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқарилади, унда суд харажатларини тарафлар ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги масала ҳал этилиши мумкин.

Кассация шикояти (протести) бўйича иш юритиш тугатилган тақдирда, айни бир шахснинг айни шу асослар бўйича кассация шикояти (протести) билан судга такроран мурожаат қилишига йўл қўйилмайди»;

12) **419-модда** қуйидаги мазмундаги **7-банд** билан тўлдирилсин:

«7) агар иш судга тааллуқлилиқ қоидалари бузилган ҳолда кўрилган бўлса, ҳал қилув қарорини, ажримни бекор қилишга ва иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга юборишга».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қи-

линган ЎРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261, 266-моддалар, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 10-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 463-модда, № 6, 577-модда, № 8, 787-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **26-модда биринчи қисмининг 12-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12) ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжатини ёки бошқа ҳужжатни ижро этиш мумкин эмас деб топиш ҳақидаги, бундан маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаб бўйича ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжат мустасно»;

2) қуйидаги мазмундаги **31¹-модда** билан тўлдирилсин:

«31¹-модда. Иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра иқтисодий суддан бошқа судга ўтказиш

Талаб судга тааллуқлилиқ қоидаларини бузган ҳолда иқтисодий судга тақдим этилган тақдирда, даъво аризаси (ариза) тааллуқлилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судга ёки маъмурий судга кўриб чиқиш учун ўтказилади.

Агар даъво аризаси (ариза) судга тааллуқлилиқ қоидаларини бузган ҳолда иш юритишга қабул қилинганлиги ишни кўриб чиқиш жараёнида аниқланса, иқтисодий суд иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судга ёки маъмурий судга кўриб чиқиш учун ўтказиш ва иқтисодий суд ишини юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Даъво аризасини (аризани), иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра иқтисодий суддан бошқа судга ўтказиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Иқтисодий суддан тааллуқлилигига кўра бошқа судга ўтказилган даъво аризаси (ариза), иш материаллари ўзига ўтказилган суд томонидан қабул қилиб олинishi керак.

Ўзбекистон Республикасида судлар ўртасида судга тааллуқлилиқ тўғрисидаги низоларга йўл қўйилмайди»;

3) **110-модданинг 1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) иш иқтисодий судга, фуқаролик ишлари бўйича судга ёки маъмурий судга тааллуқли бўлмаса»;

4) **152-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Судья даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш ёхуд судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга ўтказиш ҳақидаги масалани даъво аризаси судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай якка тартибда ҳал қилади.

Даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш, қабул қилишни рад этиш

ёки қайтариш ёхуд даъво аризасини судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга ўтказиш тўғрисида ажрим чиқарилади, ажримнинг кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга ажрим чиқарилганидан кейинги кундан кечиктирмай юборилади.

Судга тааллуқлилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича суддан ёки маъмурий суддан даъво аризаси (ариза) ёки иш материаллари келиб тушганда судья даъво аризаси (ариза) ушбу Кодекснинг 149, 150 ва 151-моддаларида кўрсатилган талабларга мувофиқ эмаслигини аниқлагач, ариза (шикоят) судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай даъвогарни (аризачини) камчиликларни бартараф этиш зарурлиги тўғрисида хабардор қилади ва унга бунинг учун ўн кундан ошмайдиган муддат беради»;

5) **154-модда биринчи қисмининг 1-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1) иш иқтисодий судга, фуқаролик ишлари бўйича судга ёки маъмурий судга тааллуқли бўлмаса»;

6) **155-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги 1¹-банд билан тўлдирилсин:

«1¹) даъвогар судьянинг ушбу Кодекс 152-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган кўрсатмасини белгиланган муддатда бажармаган бўлса»;

7) **278-модда:**

5-бандининг ўзбекча матнидаги «ҳақли» деган сўз чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **6-банд** билан тўлдирилсин:

«6) ушбу Кодекс 279-моддаси тўртинчи қисмининг 9-бандида назарда тутилган асос мавжуд бўлган тақдирда, ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга юборишга ҳақли»;

8) **279-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **9-банд** билан тўлдирилсин:

«9) ишнинг судга тааллуқлилиқ қоидалари бузилган ҳолда кўрилганлиги»;

9) **281-модда учинчи қисми:**

3-бандининг ўзбекча матнидаги «ҳақли» деган сўз чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **4-банд** билан тўлдирилсин:

«4) ажримни бекор қилишга ва даъво аризасини (аризани), иш материалларини кўриб чиқиш учун судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга юборишга»;

10) **301-модда:**

6-бандининг ўзбекча матнидаги «ҳақли» деган сўз чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **7-банд** билан тўлдирилсин:

«7) ушбу Кодекс 302-моддаси тўртинчи қисмининг 9-бандида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, ҳал қилув қарорини, қарорни бекор қилишга ва иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга юборишга ҳақли»;

11) **302-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **9-банд** билан тўлдирилсин:

«9) ишнинг судга тааллуқлилиқ қоидалари бузилган ҳолда кўрилганлиги»;

12) **305-модданинг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **5-банд** билан тўлдирилсин:

«5) биринчи инстанция судининг ажримини, апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилишга ва даъво аризасини (аризани), иш материалларини кўриб чиқиш учун судга тааллуқлилиқига кўра бошқа судга юборишга».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган ЎРҚ–462-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 3-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда; 2021 йил, № 1, 9-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 8, 787-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **11-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11-модда. Суднинг фаол иштироки

Маъмурий суд ишларини юритиш суднинг фаол иштироки асосида амалга оширилади.

Суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари, аризалари, илтимосномалари, улар томонидан тақдим этилган далиллар ва ишнинг бошқа материаллари билан чекланмасдан маъмурий ишнинг тўғри ҳал қилиниши учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳақиқий ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текширади.

Суд ўз ташаббуси ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаси бўйича қўшимча далиллар тўплайди, шунингдек маъмурий суд ишларини юритиш вазифаларини ҳал қилишга қаратилган бошқа ҳаракатларни бажаради.

Ишда иштирок этувчи шахслар ишнинг ҳақиқий ҳолатларини текширишда ва далилларни тўплашда судга кўмаклашиши шарт»;

2) **26-модданинг:**

тўртинчи қисми чиқариб ташлансин;

бешинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисми «иқтисодий судга» деган сўзлардан кейин «ёки фуқаролик ишлари бўйича судга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **27-модда:**

биринчи қисми:

7-бандининг ўзбекча матнидаги «ишларни ҳал қилади» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **8-банд** билан тўлдирилсин:

«8) маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича ундириш сўзсиз тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжат устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилади»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Аризачи ушбу моддада кўрсатилган ариза (шикоят) билан бир қаторда ушбу талабларга сабабий боғланишда бўлган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабни ҳам тақдим этишга ҳақли.

Ушбу моддада кўрсатилган талаблардан алоҳида тарзда билдирилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаб тааллуқлилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судда ёки иқтисодий судда кўриб чиқиши лозим»;

4) қуйидаги мазмундаги **27³-модда** билан тўлдирилсин:

«27³-модда. Иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра маъмурий суддан бошқа судга ўтказиш

Талаб судга тааллуқлилиқ қоидалари бузилган ҳолда маъмурий судга тақдим этилган бўлса, ариза (шикоят) тааллуқлилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судга ёки иқтисодий судга кўриб чиқиш учун ўтказилади.

Агар ариза (шикоят) судга тааллуқлилиқ қоидаларини бузган ҳолда иш юритишга қабул қилинганлиги ишни кўриб чиқиш чоғида аниқланса, маъмурий суд иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича судга ёки иқтисодий судга кўриб чиқиш учун ўтказиш ва маъмурий суд ишини юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Аризани (шикоятни), иш материалларини маъмурий суддан судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга ўтказиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Маъмурий суддан тааллуқлилигига кўра бошқа судга ўтказилган ариза (шикоят), иш материаллари ўзига ўтказилган суд томонидан қабул қилиб олинishi керак.

Ўзбекистон Республикасида судлар ўртасида судга тааллуқлилиқ тўғрисидаги низоларга йўл қўйилмайди»;

5) **45-модданинг иккинчи қисми** «арз қилинган талабни тан олиш» деган сўзлардан кейин «ёхуд келишув битими тузиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **46-модданинг тўққизинчи қисми** «ҳамда унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади» деган сўзлардан кейин «бундан келишув битими тузиш ҳуқуқи мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **62-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Судда иш юритиш ваколатлари вакилга барча процессуал ҳаракатларни ваколат берувчи номидан амалга ошириш ҳуқуқини беради, бундан келишув битими тузиш ҳуқуқи мустасно»;

8) **67-модданинг матни** қуйидаги мазмунда баён этилсин:

«Агар ушбу Кодексада маъмурий ишлар бўйича исботлаш мажбуриятлари тақсимланишининг бошқача тартиби назарда тутилмаган бўлса, ишда иштирок этувчи шахслар ўз талабларига ёки эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳақиқий ҳолатларни исботлаши керак.

Аризачи далилларни йиғишда ўз имкониятлари доирасида иштирок этиши шарт. Аризачи ўзига етказилган зарарнинг миқдорини исботлаши шарт.

Исботлаш мажбурияти қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашилаётган маъмурий органларнинг ва мансабдор шахсларнинг зиммасига юклатилади. Маъмурий органлар ва мансабдор шахслар ўз эътирозларига асос қилиб келтираётган фактларни ҳам тасдиқлаши шарт. Мазкур шахслар қарор қабул қилишда, ҳаракатларни содир этишда фақат ўзи таянган асосларни келтириши мумкин.

Агар тараф суд томонидан талаб этилган далилни ўзида ушлаб турган ва уни суд томонидан белгиланган муддатда суднинг сўровига кўра тақдим этмаётган бўлса, ундаги маълумотлар ушбу тарафнинг манфаатларига қарши қаратилган деб фараз қилинади ва мазкур тараф томонидан тан олинган деб ҳисобланади»;

9) 68-модда:

биринчи ва **иккинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **биринчи, иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Тарафлар ўз талабларини ёки эътирозларини қайси далиллар билан асослаб бераётган бўлса, ўз ихтиёридаги ушбу барча далилларни судга тақдим этиши шарт. Маъмурий орган ҳам маъмурий суд ишларини юритишнинг барча материалларини тақдим этиши шарт.

Агар тақдим этилган далиллар ишни тўғри ҳал қилиш учун етарли бўлмаса, суд ўз ташаббусига ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра қўшимча далилларни талаб қилиб олади.

Ишда иштирок этувчи шахслар бирон-бир далилни йўқ қилишга ёки яширишга ёхуд далилни текширишга ва баҳолашга далилларни олишни имконсиз қилиб қўйган ёки қийинлаштирган ҳолда бошқача тарзда монелик қилишга ҳақли эмас. Бундай ҳолда суд монелик қилаётган тарафнинг зиммасига, ушбу Кодексада белгиланган қоидалардан қатъи назар, исботлаш мажбуриятини юклатиши мумкин»;

учинчи — тўққизинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи — ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

10) 73-модда:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суд тарафнинг ҳал қилув қарорини қабул қилиш чоғида ҳал қилинадиган, далиллар мақбуллиги тўғрисидаги аризасига боғланиб қолмайди»;

бешинчи қисми олтинчи қисм деб ҳисоблансин;

11) 92-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра ёки ўз ташаббуси бўйича суд, агар:

1) маъмурий ишни кўриш якуни бўйича чиқариладиган суд ҳужжати

қабул қилингунига қадар аризачининг ёки манфаатларини қўзлаб ариза берилган шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишининг аниқ хавфи мавжуд бўлса;

2) аризачининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бундай чораларни кўрмасдан туриб ҳимоя қилиш мумкин бўлмаса ёки қийин бўлса, дастлабки ҳимоя чораларини кўриши мумкин.

Маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ва улар мансабдор шахсларининг қонунчиликка мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқароларнинг ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабни кўриб чиқишда суд аризачининг аризасига кўра дастлабки ҳимоя чораларини кўриши шарт.

Дастлабки ҳимоя чораларини кўришга маъмурий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида йўл қўйилади»;

12) **93-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **5-банд** билан тўлдирилсин:

«5) жавобгарнинг мол-мулкани ёки пул маблағларини хатлаш»;

13) **105-модда** қуйидаги мазмундаги **5-банд** билан тўлдирилсин:

«5) ариза (шикоят) суд муомалага лаёқатсиз деб топган шахс томонидан берилган бўлса»;

14) **108-модда:**

1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) иш маъмурий судга, фуқаролик ишлари бўйича судга ёки иқтисодий судга тааллуқли бўлмаса»;

қуйидаги мазмундаги **8-банд** билан тўлдирилсин:

«8) келишув битими тузилган ва у суд томонидан тасдиқланган бўлса»;

15) **122-модданинг:**

иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги **иккинчи, учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Суд томонидан солинадиган суд жаримасининг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ошмаслиги керак, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа органлар, шунингдек ташкилотлар томонидан суд ҳужжати ижро этилмаган тақдирда, уларнинг мансабдор шахсларига базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача миқдорда суд жаримаси солинади. Суд ҳужжати такроран ижро этилмаган тақдирда, дастлабки солинган жариманинг ўн баравари миқдорида суд жаримаси солинади.

Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги суд ажрими ижро этилмаган тақдирда, ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган миқдорда суд жаримаси солинади»;

учинчи ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

16) қуйидаги мазмундаги **15¹-боб** билан тўлдирилсин:

«15¹-боб. Келишув битими**126¹-модда. Тарафларнинг келишуви**

Тарафлар маъмурий суд ишларини юритишнинг барча босқичларида ва суд ҳужжати ижро этиш жараёнида низони келишув битимини тузган ҳолда тўлиқ ҳажмда ёки қисман ҳал этиши мумкин.

Тарафларнинг келишуви ихтиёрийлик, ҳамкорлик ва тенг ҳуқуқлилик принциплари асосида амалга оширилади.

Тарафларнинг келишувига фақат жавобгарда маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) мавжуд бўлганда йўл қўйилади.

Тарафларнинг келишуви фақат уларнинг низоли оммавий ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига тааллуқли бўлиши ҳамда тарафларнинг ўзаро ён беришига йўл қўйилган тақдирда амалга оширилиши мумкин.

Келишув битими суд томонидан тасдиқланганидан кейин тузилган деб ҳисобланади.

Ушбу Кодекс 27-моддаси биринчи қисмининг 1, 3, 4 ва 5-бандларида назарда тутилган ишлар бўйича, шунингдек учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган шартларни назарда тутадиган ишлар бўйича келишув битимининг тузилишига йўл қўйилмайди.

126²-модда. Келишув битимининг шакли ва мазмуни

Келишув битими ёзма шаклда тузилади ва уни тузган шахслар томонидан имзоланади.

Келишув битими албатта ижро этилишга оид талабларга жавоб бериши ҳамда унда мажбуриятларни бажаришнинг тарафлар томонидан келишилган шартлари, тартиби ва муддатлари ҳақидаги қоидалар, шунингдек суд харажатларини тақсимлаш тўғрисидаги шартлар ва қонунга зид бўлмаган бошқа шартлар кўрсатилиши керак.

Тарафлар томонидан келишув битими шартлари бўйича қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши тарафларни бир-бирига ёки бошқа воқеаларга (ҳаракатларга) боғлиқ қилиб қўйиши мумкин эмас.

Келишув битими суд харажатларини тақсимлаш тўғрисидаги масалага нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

Агар келишув битимида суд харажатларини тақсимлаш тўғрисидаги шарт мавжуд бўлмаса, суд бу масалани келишув битимини тасдиқлаш чоғида, ушбу Кодексда белгиланган умумий тартибда ҳал этади.

Келишув битими уни тузган шахслар сонидан битта нусха ортиқ бўлган нусхаларда тузилади ва имзоланади. Ушбу нусхалардан бири иш материалларига қўшиб қўйилади.

126³-модда. Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш

Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги масала иш қайси суднинг

иш юритувида бўлса, ўша суд томонидан, суд мажлисида тарафлар албатта иштирок этган ҳолда кўриб чиқилади. Ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида ушбу Кодекснинг 124-моддасида назарда тутилган тартибда хабардор қилинади.

Келишув битимини тузган, суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган шахслар суд мажлисига келмаган тақдирда, келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги масала суд томонидан кўриб чиқилмайди.

Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишда битимнинг қонун талабларига мувофиқлигини ҳамда учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдорлигини аниқлаш учун суд ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилган ишнинг ҳақиқий ҳолатларини, вазлар ва далилларни текширади, уларга баҳо беради.

Суд келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ажрим чиқаради, унда иш юритиш тўлиқ ёки қисман тугатилганлиги кўрсатилади.

Келишув битими апелляция, кассация инстанцияси суди томонидан тасдиқланган тақдирда, ажрим чиқарилиб, иш бўйича илгари қабул қилинган барча суд ҳужжатлари ушбу ажрим билан бекор қилинади ва иш юритиш тугатилади. Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани апелляция, кассация инстанцияси суди томонидан кўриб чиқишда тегишли суд ҳужжатининг қонунийлиги ва асослилиги текширилмайди.

Келишув битими суд ҳужжатини ижро этиш босқичида тузилган тақдирда, битим ишни кўрган биринчи инстанция судига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Ижро босқичида тузилган келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги масала битим судга тақдим этилган кундан эътиборан ўн беш кунлик муддатда, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қоидалар бўйича кўриб чиқилади.

Суд келишув битимини қисман тасдиқлашга, ўзгартиришга ёки ундан тарафлар томонидан келишилган бирон-бир шартни чиқариб ташлашга ҳақли эмас. Суд ушбу битимдан қонунга зид бўлган ёки учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган айрим шартларни чиқариб ташлашни тарафларга таклиф қилишга ҳақли.

126⁴-модда. Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги суд ажрими

Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги суд ажримида ушбу Кодекснинг 169-моддасида назарда тутилганидан ташқари қуйидагилар ҳам кўрсатилиши керак:

- 1) келишув битимининг шартлари;
- 2) келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги хулоса;
- 3) суд харажатларининг тақсимланиши;
- 4) иш юритишни тугатиш тўғрисидаги маълумотлар.

Апелляция ёки кассация инстанцияси судининг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажримида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда

тутилган маълумотлардан ташқари иш бўйича аввал қабул қилинган барча суд ҳужжатларини бекор қилиш ҳақидаги кўрсатма бўлиши керак.

Суд ҳужжатини ижро этиш босқичида тузилган келишув битимини тасдиқлаш ҳақидаги суд ажримда келишув битимининг шартлари ва келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги хулоса, шунингдек суд ҳужжатининг ижро этилмаслиги ҳақидаги шартлар кўрсатилиши керак.

Келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги суд ҳужжатлари устидан шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Келишув битимини тузган шахслар уни ушбу битимда назарда тутилган тартибда ва муддатларда ихтиёрий равишда бажаради.

Суд томонидан тасдиқланган келишув битими ушбу битимда назарда тутилган муддатларда ихтиёрий равишда бажарилмаган тақдирда, битим ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга кўра бажарилиши лозим.

126⁵-модда. Келишув битимини тасдиқлашни рад этиш

Суд келишув битимини тасдиқлашни қуйидаги ҳолларда рад этади, агар:

- 1) унинг шартлари қонунчиликка зид бўлса;
- 2) унинг шартлари учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлса;
- 3) унинг шартлари кўриб чиқиладиган низо (иш) предмети билан боғлиқ бўлмаса;
- 4) жавобгарда маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) мавжуд бўлмаса;
- 5) битим шарт асосида тузилган бўлса.

Келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарилади. Бунда суд муҳокамаси умумий тартибда ўтказилади.

Келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин»;

17) **131-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, судья аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги, қабул қилишни рад этиш, қайтариш ёки судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга ўтказиш ҳақидаги масалани ариза (шикоят) судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай яқка тартибда ҳал қилади.

Аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилиш ҳақида, қабул қилишни рад этиш, қайтариш ёки судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга ўтказиш тўғрисида ажрим чиқарилади, ажримнинг кўчирма нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга ажрим чиқарилгандан кейинги кундан кечиктирмай юборилади.

Судга тааллуқлилигига кўра фуқаролик ишлари бўйича суддан ёки иқтисодий суддан ариза (шикоят) ёки иш материаллари келиб тушганда судья ариза (шикоят) ушбу Кодекснинг 128, 129 ва 130-моддаларида кўрсатилган талабларга мувофиқ эмаслигини аниқлагач, ариза (шикоят) судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай аризаچини камчиликларни бартараф этиш зарурлиги ҳақида хабардор қилади ва унга бунинг учун ўн кундан ошмайдиган муддат беради»;

18) **133-модда биринчи қисмининг 1 ва 2-бандлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1) иш маъмурий судга, фуқаролик ишлари бўйича судга ёки иқтисодий судга тааллуқли бўлмаса;

2) маъмурий суднинг айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан қабул қилинган, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажрими ёхуд келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлса»;

19) **134-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **1¹-банд** билан тўлдирилсин:

«1¹) аризачи судьянинг ушбу Кодекс 131-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган кўрсатмасини белгиланган муддатда бажармаган бўлса»;

қуйидаги мазмундаги **9-банд** билан тўлдирилсин:

«9) ариза (шикоят) суд муомалага лаёқатсиз деб топган шахс томонидан берилган бўлса»;

20) **140-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **10 ва 11-бандлар** билан тўлдирилсин:

«10) ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради;

11) тарафларни келиштириш чораларини кўради»;

21) **149-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«тараф низони келишув йўли билан ҳал қилиш мақсадида судга кўмаклашишни сўраб мурожаат этган тақдирда, тарафнинг илтимосномасига кўра»;

22) **158-модда:**

қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаб қаноатлантирилган тақдирда, ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ундирилиши лозим бўлган сумма кўрсатилади»;

еттинчи ва саккизинчи қисмлари тегишинча **саккизинчи ва тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

23) **218-модданинг иккинчи қисмидаги** «суд раиси» деган сўзлар «ишни кўраётган судлов хайъати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) **219-модда:**

5-бандининг ўзбекча матнидаги «ҳақли» деган сўз чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **6-банд** билан тўлдирилсин:

«6) ушбу Кодекс 220-моддаси тўртинчи қисмининг 9-бандида назарда тутилган асос мавжуд бўлган тақдирда, ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга юборишга ҳақли»;

25) **220-модда:**

тўртинчи қисми қуйидаги мазмундаги **9-банд** билан тўлдирилсин:

«9) ишнинг судга тааллуқлилиқ қоидалари бузилган ҳолда кўрилганлиги»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, агар тарафлар ўртасида келишув битими тузилган ва у апелляция инстанцияси суди томонидан тасдиқланган бўлса, бекор қилади»;

26) **223-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«223-модда. Биринчи инстанция судининг ажрими, қарори устидан апелляция шикоятни (протести)»

Биринчи инстанция судининг ажрими, қарори устидан ушбу Кодекса назарда тутилган ҳолларда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Биринчи инстанция судининг ажрими, қарори устидан ушбу Кодекса белгиланган қоидалар бўйича берилган апелляция шикоятни (протести) ушбу бобда суднинг ҳал қилув қарорлари устидан берилган апелляция шикоятини (протестини) кўриш учун назарда тутилган тартибда апелляция инстанцияси суди томонидан кўрилади.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ажрими, қарори устидан берилган шикоятни (протестни) кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидагиларга ҳақли:

1) ажримни, қарорни ўзгаришсиз қолдиришга;
2) ажримни, қарорни ўзгартиришга ёки бекор қилишга;
3) аризани (шикоятни) қабул қилишни рад этиш ҳақидаги, аризани (шикоятни) қайтариш, иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ажримни бекор қилишга ва аризани (шикоятни) биринчи инстанция судига кўриб чиқиш учун юборишга;

4) ажримни бекор қилишга ва аризани (шикоятни), ишни кўриб чиқиш учун судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга юборишга»;

27) **243-модда** қуйидаги мазмундаги **7-банд** билан тўлдирилсин:

«7) ушбу Кодекс 244-моддаси тўртинчи қисмининг 9-бандида назарда тутилган асос мавжуд бўлган тақдирда, ҳал қилув қарорини, қарорни бекор қилишга ва иш материалларини судга тааллуқлилигига кўра бошқа судга юборишга»;

28) **244-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **9-банд** билан тўлдирилсин:

«9) ишнинг судга тааллуқлилиқ қоидалари бузилган ҳолда кўрилганлиги»;

29) **247-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«247-модда. Ажрим, қарор устидан берилган кассация шикоятни (протести)»

Биринчи инстанция судининг апелляция инстанцияси судида кўрилган ажрими, қарори ва апелляция инстанциясининг ажрими, қарори устидан ушбу Кодекса назарда тутилган ҳолларда, кассация тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Ажрим, қарор устидан берилган кассация шикоятни (протести) ушбу бобда суднинг ҳал қилув қарорлари устидан берилган кассация шикоятини (протестини) кўриш учун назарда тутилган тартибда кассация инстанцияси суди томонидан кўрилади.

Кассация инстанцияси суди ажрим, қарор устидан берилган шикоятни (протестни) кўриб чиқиш натижаларига кўра қуйидагиларга ҳақли:

1) ажримни, қарорни ўзгартиришга, кассация шикоятини (протестини) қаноатлантirmасдан қолдиришга;

2) ажримни, қарорни ўзгартиришга ёки бекор қилишга ва ишни янгидан кўришга юбормасдан янги қарор қабул қилишга;

3) ажримни, қарорни бекор қилишга ва аризани, ишни кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборишга;

4) апелляция шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги, апелляция шикоятини (протестини) қайтариш, апелляция шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш, апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш, апелляция инстанцияси судида иш бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги ажримни бекор қилишга ва апелляция шикоятини (протестини), ишни апелляция инстанцияси судига кўриб чиқиш учун юборишга;

5) айрим суд ҳужжатларини бекор қилишга ва иш бўйича илгари қабул қилинган суд ҳужжатларидан бирини ўз кучида қолдиришга;

6) ажримни, қарорни бекор қилишга ва аризани (шикоятни), ишни кўриб чиқиш учун тааллуқлилигига кўра бошқа судга юборишга.

Биринчи инстанция судининг қарори устидан ушбу Кодексда белгиланган қоидалар бўйича берилган кассация шикояти (протести) ушбу бобда суднинг ҳал қилув қарорлари устидан берилган кассация шикоятини (протестини) кўриб чиқиш учун назарда тутилган тартибда кассация инстанцияси суди томонидан кўрилади»;

30) **276-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари, агар суд томонидан бошқа муддат белгиланмаган бўлса, улар қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой ичида маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа органлар, ташкилотлар, шунингдек мансабдор шахслар томонидан ижро этилиши лозим. Маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа органлар, ташкилотлар, шунингдек мансабдор шахслар суд ҳужжати ижро этилганлиги тўғрисида судни хабардор қилиши шарт.

Суд ҳужжати ижро этилмаган тақдирда, ушбу Кодекснинг 14-бобида белгиланган тартибда ва миқдорда биринчи инстанция суди томонидан суд жаримаси солинади ҳамда суд ҳужжати ижро этиш учун бир ойдан ошмайдиган такрорий муддат берилади».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **5-модданинг 3-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) маъмурий судларга бериладиган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги аризалардан, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги, сайлов комиссияларининг ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш ҳақидаги, нотариал ҳаракатни содир этишни, фуқаролик ҳолати далолатномаларининг ёзувларини қайд этишни рад этганлик юзасидан низолашиш ёхуд нотариуснинг ёки фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги, давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаганлик устидан бериладиган, шу жумладан зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги талаблар билан боғлиқ аризалардан (шикоятлардан), маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорлари, иш юритишни тугатиш тўғрисидаги, даъвони кўрмасдан қолдириш ҳақидаги, суд жарималарини солиш тўғрисидаги ажримлар устидан бериладиган апелляция ва кассация шикоятларидан, шунингдек маъмурий судлар томонидан ҳужжатларнинг дубликатларини ва кўчирма нусхаларини берганлик учун»;

2) **илованинг 3-банди** қуйидаги мазмундаги **б¹-кичик банд** билан тўлдирилсин:

«

| | |
|--|---|
| б ¹) зарарларнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги аризалар (шикоятлар) бўйича | зарарларнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги талаб суммасининг 2 фоизи миқдорда, бироқ БҲМнинг 1 бараваридан кам бўлмаган миқдорда |
|--|---|

».

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

9-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 26 апрель,
ЎРҚ–833-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

134 Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Озарбайжон Республикаси Хукумати ўртасида ҳарбий соҳада ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2022 йил 21 июнь) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил
14 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 6 апрелда
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Озарбайжон Республикаси Хукумати ўртасида ҳарбий соҳада ҳамкорлик тўғрисидаги Битим (Тошкент, 2022 йил 21 июнь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 28 апрель,
ЎРҚ–834-сон

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 29 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

135 Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2022 йил 21 июнь) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил
14 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 6 апрелда
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим (Тошкент, 2022 йил 21 июнь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 28 апрель,
ЎРҚ–835-сон

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 29 апрелда эълон қилинган.

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****136 Ёшларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда уларни доимий иш билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Ёшларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйишлари, ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намоён этишлари учун шароитларни кенгайтириш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш, доимий иш билан ҳамда муносиб даромад олишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2023 йил 1 майдан бошлаб 2025 йил 1 январга қадар иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, ижтимоий солиқни 1 фоиз ставкада тўловчилар бундан мустасно) улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммаси Давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб берилади.

Бунда, ижтимоий солиқ суммаси ёш ходимлар олти ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шarti билан еттинчи ойдан бошлаб қоплаб берилади.

2. Белгилансинки, иш берувчиларга ижтимоий солиқ суммасининг қоплаб берилиши 2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратиладиган трансфертлар ҳисобидан амалга оширилади.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2024 йил ва 2025 йил учун Давлат бюджетини шакллантиришда ижтимоий солиқ ҳисоботи ортиб борувчи яқун билан ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан топширилишини инobatга олиб, 2024 йил ва 2025 йилнинг I чорагида иш берувчиларга ижтимоий солиқ суммасини қоплаб бериш харажатларини aloҳида қаторда режалаштиришни назарда тутсин.

4. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу Фармон мақсади ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида кенг ёритиш ишларини ташкил этсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 июлдаги «Иш берувчиларга улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 26 апрелда эълон қилинган.

суммасини давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 460-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 26 апрель,
ПФ–61-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 26 апрелдаги
ПФ–61-сон Фармониغا
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 июлдаги
«Иш берувчиларга улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар
учун тўланган ижтимоий солиқ суммасини Давлат бюджетидан
тўлиқ қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни
тасдиқлаш ҳақида»ги 460-сон қарорига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддимадаги «Фармони» сўзи «ва «Ёшларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда уларни доимий иш билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 26 апрелдаги ПФ–61-сон фармонлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. 2-бандда:

учинчи хатбошидаги «Давлат солиқ қўмитаси» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги Ғазначилиги» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Қўйидаги мазмундаги 3¹-банд билан тўлдирилсин:

«3¹. Иш берувчиларга ижтимоий солиқ суммасининг қоплаб берилиши 2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратиладиган трансфертлар ҳисобидан амалга оширилади».

5. Қўйидаги мазмундаги 4¹-банд билан тўлдирилсин:

«4¹. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2024 йил

ва 2025 йил учун Давлат бюджетини шакллантиришда ижтимоий солиқ ҳисоботи ортиб борувчи якун билан ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан топширилишини инobatга олиб, 2024 йил ва 2025 йилнинг I чорагида иш берувчиларга ижтимоий солиқ суммасини қоплаб бериш харажатларини алоҳида қаторда режалаштиришни назарда тутсин».

6. Иловада:

2-банд «юридик шахсларга» сўзларидан кейин «, шунингдек, ижтимоий солиқни 1 фоиз ставкада тўловчиларга» сўзлари билан тўлдирилсин;

3-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги» ва «Давлат солиқ қўмитасининг» сўзлари тегишлича «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» ҳамда «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 4¹-банд билан тўлдирилсин:

«4¹. Ижтимоий солиқ ҳисоботи ортиб борувчи якун билан ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан топширилишини инobatга олиб, ушбу Низом 2023 йил 1 майдан 2025 йил 15 январга қадар тўланган ижтимоий солиқ суммасини Давлат бюджетидан қоплаб беришга нисбатан татбиқ этилади. Бунда, 2024 йил декабрь ойи учун тўланган ижтимоий солиқ суммасини қоплаб бериш учун иш берувчи томонидан ариза беришнинг охири муддати 2025 йил 1 апрель куни этиб белгиланади»;

9-банддаги «Молия вазирлиги Ғазначилигига» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Иш берувчиларга Давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб берилган ижтимоий солиқ суммасига доир чораклик ҳисобот Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси томонидан ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-санасига қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлигига киришиб борилади»;

18-банддаги «2023 йил» сўзлари «2025 йил» сўзлари билан алмаштирилсин;

Вақтинчалик низомга 2-иловада:

3-босқич «Тадбирлар» устундаги «Молия вазирлиги Ғазначилигига» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-босқич «Субъектлар» устундаги «Молия вазирлиги Ғазначилиги» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

137 Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларидан фойдаланиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 24 июлдаги ПФ–6269-сон ҳамда «Давлат хизматлари кўрсатишни содаллаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 20 апрелдаги ПФ–113-сон Фармонлари ижросини таъминлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларидан фойдаланиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи:

а) Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини давлат рўйхатидан ва қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ:

давлат хизматларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини давлат рўйхатидан ва қайта рўйхатдан ўтказиш учун мурожаат қилиш ҳамда мурожаатга кўра давлат хизматларини кўрсатиш тартиби;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини давлат рўйхатидан ва қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатганлик учун йиғимларни тўлаш тартиби;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини давлат рўйхатидан ва қайта рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш ҳамда уларга давлат рақами белгилари, техник паспорт ва техник гувоҳнома бериш тартиби;

б) Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини вақтинча рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 2-иловага мувофиқ:

давлат хизматларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини вақтинча рўйхатдан ўтказиш бўйича мурожаатларни шакллантириш ва юбориш тартиби;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини вақтинча

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 1 майда эълон қилинган.

рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатганлик учун йиғимларни тўлаш тартиби;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини вақтинча рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш ҳамда уларга вақтинчалик техник паспорт, техник гувоҳнома ва давлат рақами белгиларини бериш тартиби;

в) Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини ҳисобдан чиқариш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 3-иловага мувофиқ:

давлат хизматларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини ҳисобдан чиқариш бўйича мурожаатларни шакллантириш ва юбориш тартиби;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини ҳисобдан чиқариш бўйича давлат хизматларини кўрсатганлик учун йиғимларни тўлаш тартиби;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини ҳисобдан чиқаришни расмийлаштириш ҳамда ҳисобдан чиқариш тартиби;

г) Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари рўйхатда турганлиги тўғрисида маълумотнома бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 4-иловага мувофиқ:

давлат хизматларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари рўйхатда турганлиги тўғрисида маълумотнома бериш бўйича мурожаатларни шакллантириш ва юбориш тартиби;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари рўйхатда турганлиги тўғрисида маълумотнома бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатганлик учун йиғимларни тўлаш тартиби;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари рўйхатда турганлиги тўғрисида маълумотнома бериш тартиби;

д) Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатишнинг маъмурий регламенти 5-иловага мувофиқ:

жисмоний ва юридик шахсларнинг қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини, сервис ва таъмирлаш жиҳозлари ҳамда бошқа ускуналарини мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш бўйича мурожаатларини шакллантириш ва юбориш тартиби;

жисмоний ва юридик шахсларнинг қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини, сервис ва таъмирлаш жиҳозлари ҳамда бошқа ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш ва техник кўрикдан ўтказишни расмийлаштириш тартиби;

е) Тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўналишидаги таълим ташкилотларини ҳисобга олиш ҳамда тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 6-иловага мувофиқ:

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини бошқарувчи тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўналишидаги таълим ташкилотларини ҳисобга олиш ва расмийлаштириш тартиби;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун имтиҳон топширишга рухсат бериш, имтиҳон ўтказиш ҳамда тракторчи-машинист гувоҳномасини расмийлаштириш тартиби;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштириш ёки йўқолган гувоҳнома ўрнига янгисини бериш тартиби;

ж) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан назорат қилинадиган ва техник кўриқка жалб этиладиган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари, таъмирлаш ва сервис асбоб-ускуналарининг рўйхати 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Ўзагроинспекция):

а) Рақамли технологиялар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда:

давлат хизматларини кўрсатишда иштирок этувчи тузилмаларнинг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига (кейинги ўринларда — ЯИДХП) интеграция қилинишини таъминласин;

давлат хизматларини кўрсатишнинг ҳар бир босқичида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишини ЯИДХПда кузатиб бориш чораларини кўрсин;

б) ЯИДХПда давлат хизматларини жорий қилиш бўйича техник ҳужжатни икки ой муддатда ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда келишиш учун Рақамли технологиялар вазирлиги ва Адлия вазирлигига киритсин;

в) Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда:

уч ой муддатда давлат хизматларини кўрсатганлик учун тўлов ва йиғимларни тўлов тизимлари ҳамда ягона биллинг тизими орқали электрон шаклда тўлаш имкониятини яратсин;

2023 йил 1 июлга қадар Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан «Техникалар техник кўриги» автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқсин.

4. Ўзагроинспекция 2023 йил 1 майдан бошлаб жисмоний ва юридик шахсларнинг қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини ҳаракатланувчи (махсус автотранспорт) мобил техник назорат линияларидан фойдаланган ҳолда мажбурий йиллик техник кўриқдан ўтказиш амалиётини жорий этсин.

5. Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларига 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб жисмоний шахсларнинг 100 от кучигача қувватга эга бўлган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини техник кўриқдан ўтказиш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзагроинспекция 2023 йил 1 октябрга қадар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш тех-

никаларини мажбурий йиллик техник кўриқдан ўтказиш фаолиятини амалга оширадиган тадбиркорлик субъектларига ахборот хавфсизлиги талабларини инобатга олган ҳолда «Техникалар техник кўриги» автоматлаштирилган ахборот тизимига кириш имкониятини яратсин.

Белгилансинки:

«Техникалар техник кўриги» автоматлаштирилган ахборот тизимига тадбиркорлик субъектлари интеграция қилингунга қадар тадбиркорлик субъектлари томонидан мажбурий йиллик техник кўриқдан ўтказилган ва техник сод деб топилган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларига уларнинг техник ҳолати ҳақидаги далолатнома берилади;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларининг техник ҳолати ҳақидаги далолатнома «Техникалар техник кўриги» автоматлаштирилган ахборот тизимига техник кўриқ натижаларини киритиш учун асос бўлади.

6. Ўзагроинспекция томонидан қуйидаги ахборот тизимлари ишга туширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

давлат рўйхатига олинган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларининг электрон ҳисобини юритиш бўйича «Техникалар ҳисоби» автоматлаштирилган ахборот тизими;

тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ҳисобга олинган таълим ташкилотлари ва тракторчи-машинист гувоҳномасига эга бўлган шахсларнинг рўйхати акс эттирилган «Тракторчи-машинист» автоматлаштирилган ахборот тизими.

7. Ўзагроинспекция қуйидаги вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2023 йил 1 августга қадар давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўладиган маълумотларни электрон шаклда олиш ва алмашиш мақсадида «Техникалар ҳисоби», «Тракторчи-машинист» ва «Техникалар техник кўриги» автоматлаштирилган ахборот тизимларининг ўзаро интеграция қилинишини таъминласин:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан — нотариус томонидан тасдиқланган шартномалар (олди-сотди, айирбошлаш, ҳада ва бошқалар) ҳамда тақиққа қўйиш ва тақиқдан ечишга оид ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси билан — қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларининг божхона расмийлаштирувидан ўтганлиги (божхона юк декларацияси) тўғрисидаги маълумотлар;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси билан — юридик шахсларнинг СТИР рақамлари, тўлиқ номи, жойлашган жойи (почта манзили) ҳамда тақиқ қўйиш ва тақиқдан ечиш ҳақидаги ҳужжатларга оид маълумотлар;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан — тўловларни реал вақт режимда кўриш имконини берувчи ҳисоб-китобларнинг клиринг тизими орқали амалга оширилишига оид маълумотлар;

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузури-

даги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси билан — техникаларни давлат рўйхатига олиш ва рўйхатдан чиқаришга оид маълумотлар;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан — техникаларни давлат рўйхатига олиш, техник кўриқдан ўтказиш ва рўйхатдан чиқаришга оид маълумотлар;

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали билан — юридик шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда жисмоний шахсларнинг ЖШШИР рақами, фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, яшаш манзили (паспорт ёки ID-карта) ҳақидаги маълумотлар.

8. 2023 йил 1 августдан бошлаб қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини ишлаб чиқарувчи ёки махсус савдо ташкилотларида харидорларга сотилган янги техникалар учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳужжатлар билан бирга Ўзагроинспекцияда рўйхатдан ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган «Ҳисоб-маълумотнома» бериш амалиёти жорий этилсин.

Белгилансинки, Ўзагроинспекция қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини ишлаб чиқарувчи ташкилотларни ҳамда махсус савдо объектларини ҳимояланганлик даражасига эга бўлган «Ҳисоб-маълумотнома» бланкалари билан бепул таъминлайди ва уларнинг сарфланишини назорат қилади.

9. Ўзагроинспекцияга мавжуд ахборот тизимларини такомиллаштириш, янги ахборот тизимларини яратиш, махсус бланкалар ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш, махсус планшет қурилмаларини ва ҳаракатланувчи (махсус автотранспорт) мобил техник назорат линияларини харид қилиш, ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича харажатларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштиришга рухсат берилсин.

10. Қўйидагилар:

2023 йил 1 сентябрдан бошлаб қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларига техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисида талон бериш амалиёти бекор қилинсин (хорижий давлатларга ишга юбориладиган техникалардан ташқари);

эски намунадаги техник паспорт, техник гувоҳнома, давлат рақами белгиси ва тракторчи-машинист гувоҳномасини мажбурий тартибда алмаштиришнинг якуний муддати 2023 йил 31 август этиб белгилансин;

эски намунадаги техник паспорт, техник гувоҳнома, давлат рақами белгиси ва тракторчи-машинист гувоҳномаси 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин.

11. Ўзагроинспекция манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан бирга-ликда 2023 йил 1 ноябрга қадар қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳолатини назорат қиладиган инспекторларнинг махсус

кийими ёки таниқлик белгилари ва уларни кийиб юриш қоидаларини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 8-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 29 апрель,
170-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 29 апрелдаги 170-сон қарорига
1-ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини давлат рўйхатидан ва қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент жисмоний ва юридик шахсларга (кейинги ўринларда — техника эгаси) қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини (кейинги ўринларда — техника) давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ташкилий шаклидан қатъи назар, техникаларни давлат рўйхатидан ва қайта рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) томонидан мазкур Регламентга мувофиқ амалга оширилади.

3. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

давлат рақами белгиси (кейинги ўринларда — ДРБ) — мазкур Регламентга 3-иловада* белгиланган намунага мувофиқ техникани давлат рўйхатидан ўтказишни ҳисобга олиш учун ҳудудий кодлар ва давлат рақамлари белгиларининг типларига кўра бериладиган махсус рақамли белги;

давлат рўйхатидан ўтказиш тадбирлари — қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Инспекция томонидан техникаларни рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларни ҳисобдан чиқариш, шунингдек, техникаларни рўйхатга олиш ҳақида техник паспорт ва гувоҳнома ҳамда ДРБ беришдан иборат давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ҳаракатлар комплекси;

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Инспекция томонидан техникаларни рўйхатдан ўтказиш ҳақида техник паспорт ва техник гувоҳнома ҳамда ДРБни беришдан иборат давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ҳаракатлар комплекси;

жисмоний шахснинг вакили — жисмоний шахснинг нотариус томонидан тасдиқланган қонуний вакили;

расмий дилер (дистрибьютор) — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида янги қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини реализация қилиш бўйича ишлаб чиқарувчи билан тегишли дилерлик (дистрибьюторлик) келишувига эга юридик шахс;

рўйхатга олиш жойи — техникаларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи Инспекция жойлашган жой;

рўйхатдан ўтказиш ҳужжати — техникадан фойдаланишга ҳуқуқ берилганлигини тасдиқловчи, яъни рўйхатдан ўтказиш ҳақида техник паспорт, техник гувоҳнома, шунингдек, техникани рўйхатдан ўтказиш китоби;

техника эгаси — техника воситасига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида эгалик қилувчи юридик ёки жисмоний шахс;

техник гувоҳнома — техник паспорт берилмайдиган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиши ҳамда бошқа мақсадларга мўлжалланган агрегат, машина, механизм ва ускуналарга мазкур Регламентга 2-иловада* белгиланган намунага мувофиқ бериладиган махсус ҳимояланган ҳужжат;

техник паспорт — қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари, тракторлар, трактор тиркамалари ва ўзиюрар машиналарга мазкур Регламентга 1-иловада* белгиланган намунага мувофиқ бериладиган махсус ҳимояланган ҳужжат;

техникаларни давлат рўйхатидан ўтказиш — техникани доимий ҳисобга қўйиш, техникани рўйхатдан ўтказиш ҳақида техник паспорт ва ДРБ ёки техник гувоҳнома бериш;

техникаларни қайта рўйхатдан ўтказиш — тегишли ҳуқуқий асослар мавжуд бўлганда техниканинг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, техникани қайта рўйхатдан ўтказиш ҳақида техник паспорт ва ДРБ ёки техник гувоҳнома бериш;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари — идоравий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, қишлоқ ва ўрмон хўжалигига мўлжалланган барча турдаги тракторлар (ғилдиракли, занжирли ва ярим занжирли), ўзиюрар машиналар (ўзиюрар қишлоқ хўжалиги машиналари, ўзиюрар мелиоратив ҳамда йўл-қурилиш техникалари), трактор тиркамалари, қишлоқ хўжалиги, йўл-қурилиш, мелиоратив ва бошқа мақсадларга мўлжалланган тупроққа ва экинларга ишлов берувчи, юк ортиувчи, дон ва уруғни қайта ишлашга мўлжалланган машиналар, чорвачилик, паррандачилик ва ем-хашак ишлаб чиқариш машина ва технологик ускуналари, сув насослари, кичик механизация мосламалари.

4. Техникаларни давлат рўйхатидан ва қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматлари Инспекция, давлат хизматлари марказлари (кейинги

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ўринларда — Марказ) ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали техника эгаси ёки унинг вакилини сўровномасига асосан амалга оширилади.

5. Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари, таъмирлаш ва сервис асбоб-ускуналарининг назорати Инспекция томонидан олиб борилади.

6. Техниканинг тузилмаси техник тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 18 мартдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги техникалари конструкциясининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент (кейинги ўринларда — Техник регламент), шунингдек, техника хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келиши лозим.

7. Техникаларни давлат рўйхатидан ёки қайта рўйхатдан ўтказиш ишлари тўловлар олдиндан амалга оширилгандан сўнг бажарилади.

8. Техникаларни давлат рўйхатидан ўтказиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

давлат рўйхатидан ўтказилмаган янги техника олинганда;

техникалар «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимига жойлаштирилганда.

9. Техникаларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг вакиллигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаганда, тижорат билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслар техникаларни белгиланган тартибда ўз номларига рўйхатдан ўтказишлари шарт.

10. Бошқарув ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, барча турдаги техникаларнинг олди-сотди шартномалари фақат нотариал идоралар томонидан расмийлаштирилиши шарт, ишлаб чиқарувчи, дилер, лизинг ташкилотларнинг шартномалари ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги «Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази» давлат унитар корхонаси томонидан ташкил этилган аукционларда техникаларга эга бўлишни тасдиқловчи аукцион натижалари тўғрисидаги баённома бундан мустасно.

11. Техникалар техника эгасининг номига давлат рўйхатидан ёки қайта рўйхатдан ўтказилади.

12. Жисмоний шахсларнинг техникалари уларнинг доимий ёки вақтинчалик яшаш (турар) жойида давлат рўйхатидан ёки қайта рўйхатдан ўтказилади.

Техникалар 18 ёшга тўлган муомалага лаёқатли шахсларнинг номига давлат рўйхатидан ўтказилади.

Мерос, васиятнома, ҳадя, мукофот ёки қонунчиликда белгиланган ҳолатларда ташкил этилган оммавий ўйинларда ютиб олинган техникалар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда вояга етмаган шахслар номига ҳам давлат рўйхатидан ўтказилиши мумкин.

Мерос, васиятнома, ҳадя қилинган ёки суд ажримларига асосан техникалар фақат битта шахс номига расмийлаштирилади.

13. Юридик шахсларнинг техникаларини давлат рўйхатидан ва қайта

рўйхатдан ўтказиш юридик шахсларни давлат рўйхатдан ўтказиш гувоҳнома-сида кўрсатилган юридик шахс номи, жойлашган ери, СТИР рақами бўйича амалга оширилади.

14. Инспекцияда қуйидаги техникалар давлат рўйхатидан ўтказилмайди: фақат конларда, шахта ва карьерларда қўлланиладиган махсус техникалар;

ички ишлар органларида рўйхатга олинган транспорт воситалари; трамвай ва троллейбуслар;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияга тегишли бўлган ҳарбий ва бошқа техникалар, шунингдек, Транспорт вазирлиги ҳамда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинмаган техникалар.

15. Техникаларни давлат рўйхатидан ва қайта рўйхатдан ўтказишда улар Инспекция томонидан белгиланган тартибда техник кўрикдан ўтказилади.

Техник кўрикдан ўтказишда техниканинг созлиги, унинг тури, русуми, ДРБ, идентификацияловчи шассиси (рама) ва двигатель рақамининг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мос келиши солиштирилади.

16. Марказ, ЯИДХП ва Инспекция ўртасида ахборотлар алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда — ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро ўзаро электрон боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

2-боб. Давлат хизматларини кўрсатиш тартиби

Техникаларни давлат рўйхатидан ўтказиш

17. Техникаларни давлат рўйхатидан ва қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш мазкур Регламентга 4-иловага* мувофиқ схемага асосан амалга оширилади.

18. Техника эгаси ёки унинг вакили техникаларни давлат рўйхатидан ёки қайта рўйхатдан ўтказиш учун Инспекцияга ёки Марказга келиб мурожаат этганда, Инспекция ёки Марказ ходими техника эгаси номидан ушбу Регламентга 5-иловага* мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

Сўровномага мазкур Регламентнинг 22-бандида кўрсатилган техникага бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

19. Техника эгаси ёки унинг вакили ЯИДХП орқали давлат хизматларидан фойдаланганда, сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

Мобил-ID тизими орқали сўровнома тўлдирилганда фойдаланувчининг телефон рақамига юборилган хабарни тасдиқлаш орқали идентификацияланади.

* 4-5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

20. Техника эгаси ёки унинг вакили техникаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Марказга келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси Марказ ходими томонидан тўлдирилиб, техника эгаси томонидан тасдиқланганидан сўнг реал вақт режимида Инспекцияга электрон шаклда юборилади.

Техника эгаси ёки унинг вакили ЯИДХП орқали мурожаат қилганда, сўровнома автоматик тарзда Инспекцияга электрон шаклда юборилади.

21. Техника эгаси ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларга қўйидагилар киради:

а) жисмоний шахслар учун — жисмоний шахснинг шахсни тасдиқловчи ҳужжати:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун — паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар (ID-карта), ҳайдовчилик гувоҳномаси;

16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун — туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар;

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари учун — ички ишлар органларининг рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги ёки ҳарбий қисмларнинг уй ажратиш тўғрисидаги маълумотномасини илова қилган ҳолда ҳарбий қисм ёки ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсни тасдиқловчи ҳужжат ёки ҳарбий билет (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билетлари бундан мустасно);

чет эл фуқаролари учун — Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки ички ишлар органининг доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтказилган жойи тўғрисидаги белгиси қўйилган чет эл фуқаросининг миллий паспорти ёхуд дипломатик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжат;

фуқаролиги бўлмаган шахслар учун — фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ички ишлар органларининг доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтказилган жойи ҳақидаги белгиси қўйилган Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси;

б) жисмоний шахснинг вакили учун:

нотариус томонидан тасдиқланган жисмоний шахснинг вакили ваколатларини тасдиқловчи ишончнома ёки жисмоний шахснинг қонуний вакили ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат;

вакил шахсини тасдиқловчи ҳужжат (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган ҳужжатлар);

в) юридик шахслар учун:

юридик шахснинг раҳбари томонидан имзоланган ва унинг муҳри билан тасдиқланган юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома;

вакил шахсини тасдиқловчи ҳужжат (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган ҳужжатлар).

Шунингдек, Инспекция ходими «Электрон ҳукумат» тизимининг идораларо интеграциялашув платформаси орқали юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини электрон шаклда олади.

22. Техникага бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатларга қуйидагилар қиради:

нотариус томонидан тасдиқланган шартнома (олди-сотди, айирбошлаш, меросга бўлган ҳуқуқ, васиятнома, ҳадя, рента ва бошқалар) («Нотариус» ахборот тизимидан интеграциялашув платформаси орқали электрон шаклда олинади);

суднинг қарори;

ишлаб чиқарувчи ёки махсус савдо ташкилоти (техникани ишлаб чиқарувчи корхона, унинг вакили ёки воситачи (дилерлик, дистрибьюторлик) ташкилотлари) томонидан бериладиган махсус бланкадаги «Ҳисоб-маълумотнома»;

Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги «Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази» давлат унитар корхонаси томонидан ташкил этилган аукционларда техникага бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи аукцион натижалари тўғрисидаги баённома;

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг туман (шаҳар) бўлимлари қарорлари;

юқори турувчи давлат органининг техникани бир тизим ичидаги ташкилотга текинга бериш тўғрисидаги қарори (буйруғи ёки фармойиши);

юримдик шахснинг юқори турувчи бошқарув органининг юримдик шахснинг устав жамғармасига техникани киритиш тўғрисида ёки шу юримдик шахснинг иштирокчисига (таъсисчи, аъзо) юримдик шахснинг техникани дивиденд сифатида тўлаш тўғрисидаги қарори (иштирокчилари, таъсисчилари, аъзолари) умумий йиғилишининг баённомаси ёки ягона иштирокчининг қарори);

«эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимига жойлаштирилган божхона юк декларациясининг электрон нусхаси (Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг ахборот тизимидан интеграциялашув платформаси орқали электрон шаклда олинади);

шахснинг техникани оммавий ўйинда (лотереяда) ютганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

давлат органининг техникани мукофот (ҳадя) сифатида тақдим этганлиги тўғрисидаги қарори нусхаси;

лизингга берувчининг техникага бўлган мулк ҳуқуқини лизингга олувчига ўтганлигини тасдиқловчи топшириш-қабул қилиш далолатномаси.

23. Тугатилган юримдик шахснинг техникалари янги ташкил этилган юримдик шахснинг балансига ўтганда, техникаларни давлат рўйхатига олишда унинг ҳуқуқий ворислигини тасдиқловчи ҳужжатга юримдик шахснинг устави ёки таъсис шартномаси қиради.

Шунингдек, юримдик шахснинг ҳуқуқий ворислигини тасдиқловчи ҳужжатлар «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали электрон шаклда олинади.

24. Техникалар суд қарори асосида мусодара қилинганда, етказилган зарарни қоплашга қаратилганда, бошқа шахс ёки давлат эгалигига ўтказилганда, техникаларни давлат рўйхатидан ўтказиш суд қарори ёки аукцион натижалари тўғрисидаги баённомага асосан амалга оширилади.

Техникаларнинг рўйхатда туриш жойини ўзгартиришга олиб келадиган техника эгасининг яшаш (турар) жойи ёки жойлашган манзили (почта манзили) ўзгариши муносабати билан техникаларни давлат рўйхатидан ўтказишда, мазкур Регламентнинг 22-банди бешинчи хатбошисида келтирилган техникага бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш талаб этилмайди.

25. Техникаларни давлат рўйхатидан ва қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатганлик учун йиғимлар ушбу Регламентга 6-иловадаги* тўлов ставкаларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ушбу Регламентга 6-иловадаги тўлов ставкаларининг 50 фоизи миқдоридан чегирма қўлланилади, бунда юридик шахсларнинг вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар мустасно.

Давлат хизматлари кўрсатганлик учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

26. Техникаларни давлат рўйхатидан ва қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатганлик учун ундириладиган йиғимлар қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Марказга ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи — Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи — Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

20 фоизи — Республика бюджетига;

қолган маблағлар — Инспекциянинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

11,75 фоизи (шундан 0,5 фоизи — Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатилганда) — Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

20 фоизи — Республика бюджетига;

қолган маблағлар — Инспекциянинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади;

в) Инспекцияга ўзи келиб мурожаат этганда:

* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

20 фоизи — Республика бюджетига;

80 фоизи — Инспекциянинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

27. Қўйидаги ҳолларда Инспекция томонидан техникаларни давлат рўйхатидан ёки қайта рўйхатдан ўтказиш рад этилади:

давлат хизматлари кўрсатганлик учун йиғимга тўловлар амалга оширилмаганда;

мазкур Регламентда белгиланган тегишли ҳужжатлар техника эгаси томонидан тўлиқ тақдим этилмаганда;

хизмат муддатини ўтаб бўлганлиги ва фойдаланишга яроқсизлиги туфайли техника ҳисобдан чиқарилган бўлса;

техника конструкциясига киритилган ўзгартиришлар техник тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига, техника хавфсизлигини таъминлаш меъёрларига жавоб бермаганда;

техника техник регламентга мувофиқ бўлмаган эҳтиёт қисмлар ва агрегатлардан тайёрланган ёки йиғилган бўлса;

техникага ишлаб чиқарувчи томонидан қўйилган идентификация тамғасини яшириш, сохталаштириш, ўзгартириш, йўқ қилиш аломатлари, тақдим этилган ҳужжатларнинг сохталаштирилиши ёки ҳужжатлар ва рўйхатга оид ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган маълумотларнинг техника ва агрегатлар рақамларига номувофиқлиги аниқланганда;

техниканинг рақамланган агрегати қидирувда эканлиги ёки тақдим этилган ҳужжатларнинг йўқолганлиги (ўғирланганлиги) тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлганда.

Мазкур банднинг еттинчи-саккизинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолатлар аниқланганда, Инспекция томонидан тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар берилади.

Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

28. Техникаларни давлат рўйхатидан ёки қайта рўйхатдан ўтказишни рад этилишига сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилганда, техника эгаси ёки унинг вакили техникаларни давлат рўйхатидан ёки қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, бунда йиғимлар ундирилмайди.

Техникаларни қайта рўйхатдан ўтказиш

29. Техникани қайта рўйхатдан ўтказиш қўйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

а) техника эгаси — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганда, шунингдек, юридик шахс қайта ташкил этилганда ёки номи ўзгарганда;

б) техникаларни давлат рўйхатидан ўтказиш жойини ўзгартиришни талаб қилмаган ҳолда, техника эгасининг яшаш (турар) жойи ёки жойлашган манзили (почта манзили) ўзгарганда;

в) техниканинг ранги ва (ёки) агрегатлари рақами ўзгарганда;

г) техника қайта жиҳозланганда (техниканинг конструкциясига, яъни

юриш қисми ва кабинасига ўзгартириш киритилганда ёки двигатели бошқа русумга мослаштирилганда);

д) техникаларни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги техник паспорт ёки техник гувоҳнома яроқсиз ҳолга келганда, шикастланганда ёки ўғирланганда ва (ёки) ДРБ яроқсиз ҳолга келганда, шикастланганда ёки ўғирланганда;

е) давлат рўйхатидан ўтказилган техниканинг мулк эгаси ўзгарганда.

30. Техника эгаси ёки унинг вакили техникани қайта рўйхатдан ўтказиш учун Инспекцияга ёки Марказга келиб мурожаат этганда, Инспекция ёки Марказ ходими техника эгаси ёки унинг вакили номидан ушбу Регламентга 5-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

Сўровномага мазкур Регламентнинг 34-бандида кўрсатилган техникани қайта рўйхатдан ўтказишга асос бўладиган ҳужжатлар илова қилинади.

31. Техника эгаси ёки унинг вакили ЯИДХП орқали давлат хизматларидан фойдаланганда, сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

Мобил-ID тизими орқали сўровнома тўлдирилганда фойдаланувчининг телефон рақамига юборилган хабарни тасдиқлаш орқали идентификацияланади.

32. Техника эгаси ёки унинг вакили техникани қайта рўйхатдан ўтказиш учун Марказга келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси Марказ ходими томонидан тўлдирилиб, техника эгаси томонидан тасдиқланганидан сўнг реал вақт режимида Инспекцияга электрон шаклда юборилади.

ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса, сўровнома автоматик тарзда Инспекцияга электрон шаклда юборилади.

33. Техника эгаси ёки унинг вакили шахсини тасдиқловчи ҳужжатларга мазкур Регламентнинг 21-бандида кўрсатилган ҳужжатлар киради.

34. Техникаларни қайта рўйхатдан ўтказишга асос бўлувчи ҳужжатларга қуйидагилар киради:

техника эгаси — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганлигини (ФХДЁ органларининг маълумотномаси), шунингдек, юридик шахснинг қайта ташкил этилиши ёки номланиши ўзгарганлигини (юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида маълумот ва юридик шахснинг бошқарув органи қарори) тасдиқловчи ҳужжат;

техника эгасининг яшаш (турар) жойи ёки жойлашган манзили (почта манзили) ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжат (яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги белги билан паспорт, юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги техник паспорт ёки техник гувоҳнома ва бошқалар);

техникага ўзгартириш киритиш ва уни қайта жиҳозлашни тасдиқловчи ҳужжат;

техниканинг ранги ва (ёки) агрегат рақами ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжат (агрегатнинг қонуний олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат (ҳисоб-маълумотнома, нотариус томонидан тасдиқланган олди-сотди шартномаси), техникаларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича махсус

корхонада агрегатларнинг алмаштирилганлиги ёки ранги ўзгартирилганлигини тасдиқловчи хужжат);

нотариус томонидан тасдиқланган шартнома (олди-сотди, айирбошлаш, меросга бўлган ҳуқуқ, васиятнома, ҳадя, рента ва бошқалар) («Нотариус» ахборот тизимидан интеграциялашув платформаси орқали электрон шаклда олинади);

суднинг қарори;

Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги «Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази» давлат унитар корхонаси томонидан ташкил этилган аукционларда техникага бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи аукцион натижалари тўғрисидаги баённома;

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг туман (шаҳар) бўлимлари қарорлари;

юқори турувчи давлат органининг техникани бир тизим ичидаги ташкилотга текинга бериш тўғрисидаги қарори (буйруғи ёки фармойиши);

юридик шахснинг юқори турувчи бошқарув органини юридик шахснинг устав жамғармасига техникани киритиш тўғрисида ёки шу юридик шахснинг иштирокчисига (таъсисчи, аъзо) юридик шахснинг техникани дивиденд сифатида тўлаш тўғрисидаги қарори (иштирокчилари, таъсисчилари, аъзоларининг умумий йиғилиши баённомаси ёки ягона иштирокчининг қарори);

лизингга берувчининг техникага бўлган мулк ҳуқуқини лизингга олувчига ўтганлигини тасдиқловчи топшириш-қабул қилиш далолатномаси.

35. Техникаларни қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатганлик учун йиғимлар ушбу Регламентга 6-иловадаги тўлов ставкаларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ушбу Регламентга 6-иловадаги тўлов ставкаларининг 50 фоизи миқдорига чегирма қўлланилади, бунда юридик шахслар вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар мустасно.

Давлат хизматлари кўрсатганлик учун йиғимлар тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

36. Йиғимлар 26-бандда келтирилган тартибда тақсимланади.

37. Инспекция томонидан давлат хизматлари кўрсатишни рад этиш учун мазкур Регламентнинг 27-бандида кўрсатилган ҳолатлар асос ҳисобланади.

38. Давлат хизматларини кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

39. Техника эгаси ёки унинг вакили давлат хизматларидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Техника эгаси ёки унинг вакили давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрилмасдан қолдирилади, бунда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

40. Давлат рўйхатига олинган техниканинг мулк эгаси ўзгарганда, техникани қайта рўйхатдан ўтказиш учун техника эгаси ёки унинг вакили Инспекцияга қўйидаги хужжатларни топширади:

техник паспорт ёки техник гувоҳномаси;

давлат рақами белгиси;

мазкур Регламентнинг 29-банди «д» кичик бандига асосан мурожаат қилинганда Инспекцияга қўйидаги хужжатлар тақдим этилади:

техникаларни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги техник паспорт ёки техник гувоҳнома (у яроқсиз ҳолга келганда);

давлат рақами белгиси (у шикастланганда).

3-боб. Техникаларни давлат рўйхатидан ва қайта рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш ҳамда уларга давлат рақами белгилари, техник паспорт ва техник гувоҳнома бериш тартиби

41. Инспекция ходими техника эгаси ёки унинг вакили томонидан тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқиб, техниканинг тури, русуми, ДРБ, идентификацияловчи шассиси (рама) ва двигатель рақамининг рўйхатдан ўтказиш хужжатларида кўрсатилган маълумотларга мос келишини кўриқдан ўтказиб, солиштиргандан кейин техникаларни давлат рўйхатидан ёки қайта рўйхатдан ўтказиш ёки ўтказишни рад этади.

42. Техникаларни қайта рўйхатдан ўтказиш 1 иш кунида кўриб чиқилади. Мазкур Регламентнинг 22 ва 34-бандида кўрсатилган хужжатлар тўлиқ тақдим этилганда, Инспекция техника эгаси ёки унинг вакилини мазкур Регламентнинг 40-бандида кўрсатилган хужжатларни (техника қайта рўйхатдан ўтказилганда) ҳамда техникани техник кўриқдан ўтказиш учун тақдим этиши ҳақида ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади.

Инспекциянинг техника ҳолатини назорат қилиш инспектори 2 иш кунида тақдим қилинган хужжатларни кўриб чиқади ва техника бўйича маълумотларни сўровномада қайд этилган маълумотларга мувофиқлигини кўздан кечириб, техникани техник кўриқдан ўтказиш ёки ўтказишни рад этади. Бунда техника эгаси ёки унинг вакили Инспекцияга техникани техник кўриқдан ўтказиш учун тақдим этади.

Шунингдек, техникаларни давлат рўйхатидан ўтказишда қўшимча маълумот олиш талаб этилганда, ушбу масалалар бўйича келиб тушган аризалар 10 иш кунида кўриб чиқилади.

43. Техникалар техник кўриқдан ўтказилиб, хужжатлар аслига мувофиқ ва тўлиқ бўлганда, давлат рўйхатидан ёки қайта рўйхатдан ўтказилади. Бунда Инспекциянинг техникаларни рўйхатдан ўтказиш китобига ва тегишли ахборот тизимига техниканинг идентификацияловчи шассиси (рама), двигатель рақамлари ва бошқа техник параметрлари ҳамда техника эгаси ва унинг яшаш (турар) жойи ёки жойлашган манзили (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

Инспекция ходими томонидан техникаларни қайта рўйхатдан ўтказиш жараёнида техникалар ахборот тизимида аввалги рўйхатдан ўтказиш жойи-

дан давлат рўйхатидан чиқарилади ва янги рўйхатдан ўтказиш жойига киритилади.

44. Техникаларни давлат рўйхатидан ёки қайта рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги техник паспорт, ДРБ ёки техник гувоҳнома Инспекциянинг техника ҳолатини назорат қилиш инспектори томонидан техника эгаси ёки унинг вакилига унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида техникаларни рўйхатдан ўтказиш китобига уни олганлиги тўғрисида имзо қўйилиб, топширилади.

45. Техникага аввал берилган техник паспорт, ДРБ ёки техник гувоҳнома техникаларни қайта рўйхатдан ўтказган Инспекция органига топширилади.

46. Давлат рўйхатидан ёки қайта рўйхатдан ўтказилган техникаларнинг орқа қисмига жойлаштириш учун мазкур Регламентга 3-иловага мувофиқ намунада тайёрланган ДРБ берилади.

ДРБ ундаги рақамларнинг ўсиб бориш тартибига мувофиқ равишда берилади:

юридик шахсларга — I ва III типли ДРБ;
жисмоний шахсларга — II ва IV типли ДРБ.

47. Техника эгаси берилган ДРБдан мақсадли фойдаланиши шарт.

48. Техникаларни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги техник паспорт ёки техник гувоҳнома яроқсиз ҳолга келганда, шикастланганда, ўғирланганда ёки йўқолганда, техникаларни қайта рўйхатдан ўтказиш 2 иш кунда кўриб чиқилади. Бунда Инспекциянинг техника ҳолатини назорат қилиш инспектори томонидан мазкур Регламентнинг 40-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилганлиги кўриб чиқилади ва техникадаги маълумотларнинг сўровномада қайд этилган маълумотларга мувофиқлиги кўздан кечирилиб, техник кўриқдан ўтказилади.

Тақдим этилган ҳужжатлар (маълумотлар) техникага мос бўлганда, Инспекция техникаларни давлат рўйхатига олиш ахборот тизими маълумотлари асосида техника эгаси ёки унинг вакилига унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг аслига асосан техникаларни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги техник паспорт ёки техник гувоҳноманинг янгисини беради.

49. Техникаларни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги техник паспорт ёки техник гувоҳнома яроқсиз ҳолга келганда, шикастланганда, ўғирланганда ёки йўқолганда унинг ўрнига янгиси, шунингдек, ДРБ яроқсиз ҳолга келган, бузилган, шикастланган ёки йўқолганда янги ДРБ бериш учун ушбу Регламентга 6-иловага мувофиқ миқдорда йиғим ундирилади.

Давлат хизматлари кўрсатганлик учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

50. ДРБ шикастланганда, йўқолганда ёки ўғирланганда техникаларни давлат рўйхатидан ўтказиш маълумотларига асосан, шунингдек, белгиланган миқдорда йиғим амалга оширилгач, Инспекция томонидан янги ДРБ берилди. Бунда ДРБ дубликатини берилишига йўл қўйилмайди.

Рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотлар (техникаларни давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги техник паспорт ёки техник гувоҳнома ва ДРБ-

нинг янгисини бериш) техникаларни давлат рўйхатига олиш ахборот тизими-га киритилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

51. Техникаларни давлат рўйхатига ва қайта рўйхатга олиш учун ҳаракатларни амалга ошириш учун асос бўладиган ҳужжатлар уч йил, техникаларни рўйхатга олиш китоби Инспекцияда йигирма беш йил сақланади ва ушбу муддат ўтгандан кейин белгиланган тартибда давлат архивига топширилади.

52. Инспекцияга ҳужжатлар тақдим қилинганда ёки электрон шаклда мурожаат қилинганда, уларни ўрганиш ёки техник кўрик жараёнларида асли билан таққосланиши шарт.

53. Техникалар янги харид қилинганда, техникага бўлган мулк ҳуқуқи ёки техника эгасининг манзили (номи) ўзгарганда, техникалар Инспекция томонидан 10 иш кунда давлат рўйхатидан ёки қайта рўйхатдан ўтказилади.

Бунда техника эгаси техниканинг техник ҳолатидан қатъи назар, мазкур Регламентнинг 22-бандида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этган ҳолда мурожаат қилади.

Агар мурожаат қилиш муддатининг охириги куни дам олиш, байрам ва бошқа иш куни бўлмаган кунларга тўғри келса, ундан кейинги биринчи иш куни муддатнинг тугаган куни ҳисобланади.

54. Техникаларни рўйхатга қўйиш муддатларининг бузилиши ёки белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган техникалар бўйича жисмоний ва юридик шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилади.

55. Инспекция техника эгаларига давлат хизматлари кўрсатилиши ҳамда йўл ҳаракати қатнашчилари (тракторчи-машинистлар) томонидан йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

56. Инспекция томонидан техникаларни тақиққа олиш ва тақиқдан чиқариш судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, давлат ижрочиси, нотариус, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги идоравий нотариал архивлар мудирлари, солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) ва тегишли ваколатли ташкилотлар сўровлари асосида ахборот тизимидаги маълумотлар базасида акс эттирилади.

Шунингдек, ахборот тизимларини интеграциялаш орқали ваколатли ташкилотлар томонидан техникаларни тақиққа олиш ва тақиқдан чиқариш электрон шаклда амалга оширилиши мумкин.

Тақиққа олинган техникаларни давлат рўйхатига ва қайта рўйхатга олиш ҳаракатлари тақиққа олдирган идора томонидан тақиқ бекор қилингандан сўнг амалга оширилади.

57. Техниканинг лизинг (сублизинг) шартномасини амал қилиш муддати тугаши билан, техниканинг лизинг (сублизинг) шартномаси ва техникани лизингга берувчининг техникага бўлган мулк ҳуқуқи техникани лизингга олув-

чига ўтганлигини тасдиқловчи топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан техникалар лизингга олувчининг номига давлат рўйхатидан ўтказилади.

Техникалар лизингга берувчининг ёзма сўровига асосан лизингга олувчининг номига ҳам расмийлаштирилиши мумкин. Бунда техника лизингга берувчи номидан тақиққа олинади ва унинг мурожаати билан тақиқдан чиқарилади. Техникалар техникани лизингга олувчидан олиниб, бошқага ўтказилганда, янгидан рўйхатдан ўтказилади.

Лизингга (сублизингга) олувчи номига рўйхатдан ўтказилган техникани лизинг берувчига қайтариб берилишини ёки бошқа лизингга олувчининг номига ўтказилишини асословчи ҳужжатлар, шунингдек, суд ёки бошқа органларнинг ижро ҳужжати нусхаси илова қилинган ҳолда лизингга берувчининг аризасига асосан лизингга берувчининг ёки бошқа лизингга олувчининг номига рўйхатдан ўтказилади.

58. Инспекция, Марказ ва давлат хизматларини кўрсатишда иштирок этувчи бошқа ташкилотлар давлат хизматларини кўрсатиш бўйича олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

59. Инспекция, Марказ ва давлат хизматларини кўрсатишда иштирок этувчи бошқа ташкилотлар манфаатдор шахсга маъмурий ҳужжатни қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатлар юзасидан ўз фикрини билдириш имкониятини беради.

60. Техника эгаси ёки унинг вакили давлат хизматларини кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

61. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 29 апрелдаги 170-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш
техникаларини вақтинча рўйхатдан ўтказиш бўйича
давлат хизматларини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент жисмоний ва юридик шахсларга (кейинги ўринларда — техника эгаси) қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини (кейинги ўринларда — техника) вақтинча рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ташкилий шаклдан қатъи назар, техникаларни вақтинча рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузу-

ридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) томонидан мазкур Регламентга мувофиқ амалга оширилади.

3. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

вақтинча рўйхатга олиш жойи — техникаларни вақтинча рўйхатдан ўтказишни амалга оширувчи Инспекция жойлашган жой;

вақтинча рўйхатдан ўтказиш тадбирлари — қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Инспекция томонидан техникаларни вақтинча рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, техникаларни вақтинча рўйхатга олиш ҳақида вақтинча техник паспорт ва гувоҳнома ҳамда ДРБ беришдан иборат давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ҳаракатлар комплекси;

вақтинча техник паспорт — қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари, тракторлар, трактор тиркамалари ва ўзиюрар машиналарга мазкур Регламентга 1-иловада* белгиланган намунага мувофиқ бериладиган махсус ҳимояланган вақтинчалик ҳужжат;

вақтинча техник гувоҳнома — техник паспорт берилмайдиган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиши ҳамда бошқа мақсадларга мўлжалланган агрегат, машина, механизм ва ускуналарга мазкур Регламентга 2-иловада* белгиланган намунага мувофиқ бериладиган махсус ҳимояланган вақтинчалик ҳужжат;

давлат рақами белгиси (кейинги ўринларда — ДРБ) — мазкур Регламентга 3-иловада* белгиланган намунага мувофиқ техникани давлат рўйхатидан ўтказишни ҳисобга олиш учун ҳудудий кодлар ва давлат рақамлари белгиларининг типларига кўра бериладиган махсус рақамли белги;

жисмоний шахснинг вакили — жисмоний шахснинг нотариус томонидан тасдиқланган қонуний вакили;

техника эгаси — техника воситасига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида эгалик қилувчи юридик ёки жисмоний шахс;

техникаларни вақтинча рўйхатдан ўтказиш — техникани вақтинча рўйхатдан ўтказиш ҳақида техник паспорт ҳамда ДРБ ёки техник гувоҳнома бериш;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари — идоровий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, қишлоқ ва ўрмон хўжалигига мўлжалланган барча турдаги тракторлар (ғилдиракли, занжирли ва ярим занжирли), ўзиюрар машиналар (ўзиюрар қишлоқ хўжалиги машиналари, ўзиюрар мелиоратив ҳамда йўл-қурилиш техникалари), трактор тиркамалари, қишлоқ хўжалиги, йўл-қурилиш, мелиоратив ва бошқа мақсадларга мўлжалланган тупроққа ва экинларга ишлов берувчи, юк ортувчи, дон ва уруғни қайта ишлашга мўлжалланган машиналар, чорвачилик, паррандачилик ва ем-хашак ишлаб чиқариш машина ва технологик ускуналари, сув насослари, кичик механизация мосламалари.

4. Техникаларни вақтинча рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматлари Инспекция, давлат хизматлари маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали техника эгаси ёки унинг вакилини сўровномасига асосан амалга оширилади.

5. Инспекция томонидан назорат қилинадиган ва техник кўриқка жалб этиладиган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари, таъмирлаш ва сервис асбоб-ускуналари турлари устидан назорат қилиш Инспекциянинг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва туман (Қувасой шаҳар) бўлимлари томонидан амалга оширилади.

6. Техниканинг тузилмаси техник тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 18 мартдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги техникалари конструкциясининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламенти (кейинги ўринларда — Техник регламент), шунингдек, техника хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келиши лозим.

7. Техникаларни вақтинча рўйхатдан ўтказиш ишлари тўловлар олдиндан амалга оширилгандан сўнг бажарилади.

8. Техникаларни вақтинча рўйхатдан ўтказиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

техникалар «вақтинча олиб кириш» божхона режимига жойлаштирилганда;

техникалар тажриба синовларини ўтказиш учун олиб келинганда.

9. Техникаларни вақтинча рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари келгусида техникаларга оид мулкый ҳуқуқларни вужудга келтирмайди, ўзгартирмайди ёки бекор қилмайди.

10. Техникалар унинг эгаси ҳисобланувчи жисмоний ёки юридик шахснинг номига вақтинча рўйхатдан ўтказилади.

11. Жисмоний шахсларнинг техникалари уларнинг доимий ёки вақтинча яшаш (турар) жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилади.

12. Юридик шахсларнинг техникаларини вақтинча рўйхатдан ўтказиш юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасида кўрсатилган юридик манзили бўйича амалга оширилади.

13. Инспекцияда қуйидаги техникалар вақтинча рўйхатдан ўтказилмайди: фақат конларда, шахта ва карьерларда қўлланиладиган махсус техникалар;

ички ишлар органларида рўйхатга олинган транспорт воситалари;

трамвай ва троллейбуслар;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияга тегишли бўлган ҳарбий ва бошқа техникалар, шунингдек, Транспорт вазирлиги ҳамда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинган техникалар.

14. Техникаларни вақтинча рўйхатдан ўтказишда улар Инспекция томонидан белгиланган тартибда техник кўриқдан ўтказилади.

Техник кўриқдан ўтказишда техниканинг созлиги, унинг тури, русуми, идентификацияловчи шассиси (рама) ва двигатель рақамининг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мос келиши солиштирилади.

15. Марказ, ЯИДХП ва Инспекция ўртасида ахборотлар алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда — ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро ўзаро электрон боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

2-боб. Давлат хизматларини кўрсатиш тартиби

16. Техникаларни вақтинча рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш мазкур Регламентга 4-иловага* мувофиқ схемага асосан амалга оширилади.

17. Техника эгаси ёки унинг вакили техникани вақтинча рўйхатдан ўтказиш учун Инспекцияга ёки Марказга келиб мурожаат этганда, Инспекция ёки Марказ ходими техника эгаси номидан ушбу Регламентга 5-иловага* мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

Сўровномага техникани вақтинча рўйхатга олишга асос бўлувчи ҳужжатлар илова қилинади.

18. Техника эгаси ёки унинг вакили ЯИДХП орқали давлат хизматларидан фойдаланганда, сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

Мобил-ID тизими орқали сўровнома тўлдирилганда фойдаланувчининг телефон рақамига юборилган хабарни тасдиқлаш орқали идентификацияланади.

19. Техника эгаси ёки унинг вакили техникаларни вақтинча рўйхатдан ўтказиш учун Марказга келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси Марказ ходими томонидан тўлдирилиб, техника эгаси томонидан тасдиқланганидан сўнг, реал вақт режимида Инспекцияга электрон шаклда юборилади.

ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса сўровнома автоматик тарзда Инспекцияга электрон шаклда юборилади.

20. Техника эгаси ёки унинг вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларга қўйидагилар киради:

а) жисмоний шахслар учун — жисмоний шахсининг шахсни тасдиқловчи ҳужжати:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун — паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар (ID-карта), ҳайдовчилик гувоҳномаси;

16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун — туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар;

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари учун — ички ишлар органларининг рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги ёки ҳарбий қисмларнинг уй ажратиш тўғрисидаги маълумотномасини илова қилган ҳолда ҳарбий қисм ёки ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсни тасдиқловчи ҳужжат ёки ҳарбий билет (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билетлари бундан мустасно);

чет эл фуқаролари учун — Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки ички ишлар органининг доимий ёки вақтинча рўйхатдан ўтказилган

* 4-5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жойи тўғрисидаги белгиси қўйилган чет эл фуқаросининг миллий паспорти ёхуд дипломатик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжат;

фуқаролиги бўлмаган шахслар учун — фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ички ишлар органларининг доимий ёки вақтинча рўйхатдан ўтказилган жойи ҳақидаги белгиси қўйилган Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси;

б) жисмоний шахснинг вакили учун:

нотариус томонидан тасдиқланган жисмоний шахснинг вакили ваколатларини тасдиқловчи ишончнома ёки жисмоний шахснинг қонуний вакили ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат;

вакил шахсини тасдиқловчи ҳужжат (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган ҳужжатлар);

в) юридик шахслар учун:

юридик шахснинг раҳбари томонидан имзоланган ва унинг муҳри билан тасдиқланган юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома;

вакил шахсини тасдиқловчи ҳужжат (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган ҳужжатлар).

Шунингдек, Инспекция ходими «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини электрон шаклда олади.

21. Техникани вақтинча рўйхатга олишга асос бўлувчи ҳужжатларга қўйидагилар қиради:

«вақтинчалик олиб кириш» божхона режимига жойлаштирилган божхона юк декларациясининг электрон нусхаси (Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг ахборот тизимидан интеграциялашув платформаси орқали электрон шаклда олинади);

техникаларни синовдан ўтказилаётганлиги тўғрисидаги маълумот.

22. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган ва «вақтинчалик олиб кириш» божхона режимига жойлаштирилган техникаларни вақтинча рўйхатдан ўтказиш божхона юк декларациясида кўрсатилган муддатда амалга оширилади.

23. Техникаларни вақтинча рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатганлик учун йиғимлар ушбу Регламентга 6-иловадаги* тўлов ставкаларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ушбу Регламентга 6-иловадаги тўлов ставкаларининг 50 фоизи миқдоридан чегирма қўлланилади, бунда юридик шахсларнинг вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар мустасно.

* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Давлат хизматлари кўрсатганлик учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

24. Техникаларни вақтинча рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатганлик учун ундириладиган йиғимлар қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Марказга ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи — Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи — Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

20 фоизи — Республика бюджетига;

қолган маблағлар — Инспекциянинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

11,75 фоизи (шундан 0,5 фоизи — Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатилганда) — Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

20 фоизи — Республика бюджетига;

қолган маблағлар — Инспекциянинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади;

в) Инспекцияга ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи — Республика бюджетига;

80 фоизи — Инспекциянинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

25. Қуйидаги ҳолатларда Инспекция томонидан техникаларни вақтинча рўйхатдан ўтказиш рад этилади:

давлат хизматлари кўрсатганлик учун йиғимга тўловлар амалга оширилмаганда;

мазкур Регламентда белгиланган тегишли ҳужжатлар техника эгаси томонидан тўлиқ тақдим этилмаганда;

хизмат муддатини ўтаб бўлганлиги ва фойдаланишга яроқсизлиги сабабли техника ҳисобдан чиқарилганда;

техника конструкциясига киритилган ўзгартиришлар техник тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига, техника хавфсизлигини таъминлаш меъёрларига жавоб бермайдиган бўлса;

техника техник регламентга мувофиқ бўлмаган эҳтиёт қисмлар ва агрегатлардан тайёрланган ёки йиғилган бўлса;

техникага ишлаб чиқарувчи томонидан қўйилган идентификация тамғасини яшириш, сохталаштириш, ўзгартириш, йўқ қилиш аломатлари, тақ-

дим этилган ҳужжатларнинг сохталаштирилиши ёки ҳужжатлар ва рўйхатга оид ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган маълумотларнинг техника ва агрегатлар рақамларига номувофиқлиги аниқланганда;

техниканинг рақамланган агрегати қидирувда эканлиги ёки тақдим этилган ҳужжатларнинг йўқолганлиги (ўғирланганлиги) тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлганда.

Мазкур банднинг еттинчи-саккизинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолатлар аниқланганда, Инспекция томонидан тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар берилади.

Давлат хизматларини кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

26. Эғалик ҳуқуқи ва ҳужжатлари мавжуд бўлмаган техникалар суд қарорларига асосан доимий рўйхатга олинади.

Инспекция томонидан вақтинча рўйхатга олинган техникалар эғалик ҳуқуқини белгилаш тўғрисидаги суд қарори қабул қилингунига қадар белгиланган тартибда мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиб борилади.

27. Техникаларни вақтинча рўйхатдан ўтказишни рад этилишига сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилганда, техника эғаси ёки унинг вакили техникаларни вақтинча рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, бунда йиғимлар ундирилмайди.

3-боб. Техникаларни вақтинча рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш ҳамда уларга техник паспорт, техник гувоҳнома ва давлат рақам белгилари бериш тартиби

28. Инспекция ходими техника эғаси ёки унинг вакили томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, техниканинг тури, русуми, идентификацияловчи шассиси (рама) ва двигатель рақамининг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мос келишини кўрикдан ўтказиб солиштиригандан кейин техникаларни вақтинча рўйхатдан ўтказиш ёки ўтказишни рад этади.

29. Техникаларни вақтинча рўйхатдан ўтказиш 2 иш кунида кўриб чиқилади. Техникага тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилганда, Инспекция техника эғаси ёки унинг вакилини техникани техник кўрикдан ўтказиш учун тақдим этиши ҳақида ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади.

Инспекциянинг техника ҳолатини назорат қилиш инспектори 2 иш кунида техника бўйича маълумотларни сўровномада қайд этилган маълумотларга мувофиқлигини кўздан кечириб, техникани техник кўрикдан ўтказишга бунда техника эғаси ёки унинг вакили Инспекцияга техникани техник кўрикдан ўтказиш учун тақдим этади.

Шунингдек, техникаларни вақтинча рўйхатдан ўтказишда қўшимча маълумот олиш талаб этилганда, ушбу масалалар бўйича келиб тушган аризалар 10 иш кунида кўриб чиқилади.

30. Техникалар техник кўрикдан ўтказилиб, ҳужжатлар аслига мувофиқ ва тўлиқ бўлганда, вақтинча рўйхатдан ўтказилади. Бунда Инспекциянинг

техникаларни рўйхатдан ўтказиш китобига ва тегишли ахборот тизимига техниканинг идентификацияловчи шассиси (рама), двигатель рақамлари ва бошқа техник параметрлари ҳамда техника эгаси ва унинг яшаш (турар) жойи ёки жойлашган манзили (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

31. Техникаларни вақтинча рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги вақтинча техник паспорт, вақтинча техник гувоҳнома ва ДРБ Инспекциянинг техника ҳолатини назорат қилиш инспектори томонидан техника эгаси ёки унинг вакилига унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида техникаларни рўйхатдан ўтказиш китобига уни олганлиги тўғрисида имзо қўйилиб топширилади.

32. Вақтинча рўйхатдан ўтказилган техникаларнинг орқа қисмига жойлаштириш учун мазкур Регламентга 3-иловага мувофиқ намунада тайёрланган ДРБ берилади.

ДРБ ундаги рақамларнинг ўсиб бориш тартибига мувофиқ равишда берилади:

юридик шахсларга — I ва III типли ДРБ;

жисмоний шахсларга — II ва IV типли ДРБ.

33. Техника эгаси берилган ДРБдан мақсадли фойдаланиши шарт.

34. Техникаларни вақтинча рўйхатдан ўтказиш 2 иш кунида кўриб чиқилади. Бунда Инспекциянинг техника ҳолатини назорат қилиш инспектори томонидан техникага оид ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилганлиги кўриб чиқилади ва техникадаги маълумотлар сўровномада қайд этилган маълумотларга мувофиқлиги кўздан кечирилиб, техник кўриқдан ўтказилади.

Тақдим этилган ҳужжатлар (маълумотлар) техникага мос бўлганда, Инспекция техникани рўйхатга олиш ахборот тизими маълумотлари асосида техника эгаси ёки унинг вакилига унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг аслига асосан техникани вақтинча рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги вақтинча техник паспорт ёки техник гувоҳномани беради.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

35. Техникаларни вақтинча рўйхатга олиш учун ҳаракатларни амалга оширишда асос бўладиган ҳужжатлар уч йил, техникаларни рўйхатга олиш китоби Инспекцияда йигирма беш йил сақланади ва ушбу муддат ўтгандан кейин белгиланган тартибда давлат архивига топширилади.

36. Инспекцияга ҳужжатлар тақдим қилинганда ёки электрон шаклда мурожаат қилинганда, уларни ўрганиш ёки техник кўриқ жараёнларида асли билан таққосланиши шарт.

37. Инспекция, Марказ ва давлат хизматларини кўрсатишда иштирок этувчи бошқа ташкилотлар давлат хизматларини кўрсатиш бўйича олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

38. Инспекция, Марказ ва давлат хизматларини кўрсатишда иштирок этувчи бошқа ташкилотлар манфаатдор шахсга маъмурий ҳужжатни қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатлар юзасидан ўз фикрини билдириш имкониятини беради.

39. Техника эгаси ёки унинг вакили давлат хизматларини кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

40. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 29 апрелдаги 170-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш
техникаларини ҳисобдан чиқариш бўйича давлат
хизматларини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент жисмоний ва юридик шахсларга (кейинги ўринларда — техника эгаси) қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини (кейинги ўринларда — техника) ҳисобдан чиқариш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ташкилий шаклдан қатъи назар, техникаларни ҳисобдан чиқариш Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) томонидан мазкур Регламентга мувофиқ амалга оширилади.

3. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

техника эгаси — техника воситасига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида эгалик қилувчи юридик ёки жисмоний шахс;

техникаларни ҳисобдан чиқариш — техникаларни кейинги фойдаланишга яроқсиз деб ҳисобланганда давлат рўйхатидан чиқариш;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари — идоравий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклдан қатъи назар, қишлоқ ва ўрмон хўжалигига мўлжалланган барча турдаги тракторлар (ғилдиракли, занжирли ва ярим занжирли), ўзиюрар машиналар (ўзиюрар қишлоқ хўжалиги машиналари, ўзиюрар мелиоратив ҳамда йўл-қурилиш техникалари), трактор тиркамалари, қишлоқ хўжалиги, йўл-қурилиш, мелиоратив ва бошқа мақсадларга мўлжалланган тупроққа ва экинларга ишлов берувчи, юк ортувчи, дон ва уруғни қайта ишлашга мўлжалланган машиналар, чорвачилик, паррандачилик ва ем-хашак ишлаб чиқариш машина ва технологик ускуналари, сув насослари, кичик механизация мосламалари.

4. Техникаларни ҳисобдан чиқариш бўйича давлат хизматлари Инспекция, давлат хизматлари маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги

ўринларда — ЯИДХП) орқали техника эгаси ёки унинг вакилини сўровнома-сига асосан амалга оширилади.

5. Техниканинг тузилмаси техник тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 18 мартдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги техникалари конструкциясининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламенти (кейинги ўринларда — Техник регламент), шунингдек, техника хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келиши лозим.

6. Техникаларни ҳисобдан чиқариш ишлари тўлов олдиндан амалга оширилгандан сўнг бажарилади.

7. Техникани ҳисобдан чиқариш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади: божхона юк декларациясига асосан техникалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан товар сифатида чет элга чиқарилганда; техникалар кейинги фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келганда.

8. Техникаларни ҳисобдан чиқариш учун Инспекция томонидан белгиланган тартибда техник кўрик ўтказилади.

Техник кўрикни ўтказиш учун техниканинг типи, русуми, модели, давлат рақами белгиси (кейинги ўринларда — ДРБ), идентификацияловчи шассиси (рама), кузови ва двигатель рақамининг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга тўғри келиши солиштирилади.

2-боб. Давлат хизматларини кўрсатиш тартиби

9. Техникаларни ҳисобдан чиқариш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш мазкур Регламентга 1-иловага* мувофиқ схемага асосан амалга оширилади.

10. Техника эгаси ёки унинг вакили техникани ҳисобдан чиқариш учун Инспекцияга ёки Марказга келиб мурожаат этганда, Инспекция ёки Марказ ходими техника эгаси номидан ушбу Регламентга 2-иловага* мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

Сўровномага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

божхона юк декларацияси;

техникани кейинги фойдаланганига яроқсиз деб топиш ва уни ҳисобдан чиқаришда:

юридик шахслар учун — қарор, буйруқ, баённома ва тегишли далолатнома;

жисмоний шахслар учун — ариза (эр ва хотиннинг розилиги асосида), шунингдек, белгиланган тартибда тузилган далолатнома.

11. Техника эгаси ёки унинг вакили ЯИДХП орқали давлат хизматларидан фойдаланганда, сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

Мобил-ID тизими орқали сўровнома тўлдирилганда фойдаланувчининг телефон рақамига юборилган хабарни тасдиқлаш орқали идентификацияланади.

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

12. Техника эгаси ёки унинг вакили техникаларни ҳисобдан чиқариш учун Марказга келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси Марказ ходими томонидан тўлдирилиб, техника эгаси томонидан тасдиқланганидан сўнг реал вақт режимида Инспекцияга электрон шаклда юборилади.

ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса сўровнома автоматик тарзда Инспекцияга электрон шаклда юборилади.

Кейинги фойдаланишга яроқсиз деб ҳисобланган техника ҳисобдан чиқарилганда, техникани давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги техник паспорт ва ДРБ ёки техник гувоҳнома олиб қўйилади.

13. Юридик шахслардан техникани ҳисобдан чиқариш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

Жисмоний шахслардан техникани ҳисобдан чиқариш учун йиғим ундирилмайди.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Давлат хизматлари кўрсатганлик учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

14. Техникаларни ҳисобдан чиқариш бўйича ундириладиган йиғимлар қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Марказга ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи — Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи — Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати кўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

20 фоизи — Республика бюджетига;

қолган маблағлар — Инспекциянинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

11,75 фоизи (шундан 0,5 фоизи — Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатилганда) — Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати кўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

20 фоизи — Республика бюджетига;

қолган маблағлар — Инспекциянинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади;

в) Инспекцияга ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи — Республика бюджетига;

80 фоизи — Инспекциянинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

15. Инспекция томонидан қуйидаги ҳолларда техникаларни ҳисобдан чиқариш рад этилади:

мазкур Регламентда белгиланган ҳужжатлар техника эгаси томонидан тўлиқ тақдим этилмаганда;

техникага ишлаб чиқарувчи томонидан қўйилган идентификация тамғасини яшириш, сохталаштириш, ўзгартириш, йўқ қилиш аломатлари, тақдим этилган ҳужжатларнинг сохталаштирилиши ёки ҳужжатлар ва рўйхатга оид ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган маълумотларнинг техника ва агрегатлар рақамларига номувофиқлиги аниқланганда;

техниканинг рақамланган агрегати қидирувда эканлиги ёки тақдим этилган ҳужжатларнинг йўқолганлиги (ўғирланганлиги) тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлганда;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ техникани тасарруф этишга тақик ёки хатлаб қўйилганда;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноят ишида техника ашёвий далил сифатида эътироф этилганда;

васийлик ва ҳомийлик органининг ёки вояга етмаган ёхуд муомалага лаёқатсиз техника эгасининг қонуний вакиллари рухсати бўлмаганда;

лизингга берувчининг розилиги мавжуд бўлмаганда (лизингга тақдим этилган техникалар учун);

давлат хизматлари кўрсатганлик учун йиғимга тўловлар амалга оширилмаган бўлса;

техниканинг эгалик ҳуқуқи ва ҳужжатлари ёки рўйхатдан ўтказиш маълумотлари мавжуд бўлмаганда.

Мазкур банднинг тўртинчи ва олтинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолатлар аниқланганда, Инспекция томонидан тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар берилади.

Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асослар билан рад этиш тақикланади.

16. Техникани ҳисобдан чиқаришни рад этилишига сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилганда, техника эгаси ёки унинг вакили техникани ҳисобдан чиқариш тўғрисида қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, бунда йиғимлар ундирилмайди.

17. Техникани ҳисобдан чиқариш учун техника эгаси ёки унинг вакили Инспекцияга техник паспорт (техник гувоҳнома) ва давлат рақами белгисини топширади.

18. Инспекция 2 иш кунда мазкур Регламентнинг 10 ва 17-бандлари бўйича техника эгаси ёки унинг вакили томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва техника бўйича маълумотларни техниканинг тури, русуми, ДРБ, идентификацияловчи шассиси (рама) ва двигатель рақамининг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларида қайд этилган маълумотларга мувофиқлигини кўздан кечириб, ундан кейин техникани ҳисобдан чиқаради ёки чиқаришни рад этади. Бунда техника эгаси ёки унинг вакили Инспекцияга техникани техник кўрикдан ўтказиш учун тақдим этади.

Шунингдек, техникани ҳисобдан чиқариш учун қўшимча маълумот олиш

талаб этилганда, ушбу масалалар бўйича келиб тушган аризалар 10 иш кунда кўриб чиқилади.

19. Техника техник кўриқдан ўтказилиб, ҳужжатлар аслига мувофиқ ва тўлиқ бўлганда, техника ҳисобдан чиқарилади, бунда Инспекциянинг техникаларни рўйхатдан ўтказиш китобига ва тегишли ахборот тизимига техникани ҳисобдан чиқариш рақами ва санаси қайд қилинади.

20. Мазкур Регламентнинг 3-иловасига* мувофиқ Техника ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисида маълумотномани Инспекциянинг масъул ходими электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда Марказга юборади ёки техника эгаси ёки унинг вакили ЯИДХП орқали мурожаат қилганда, электрон шаклда унга юборади.

Инспекциянинг масъул ходими техника эгаси ёки унинг вакилининг хошишига кўра маълумотномани техника ҳисобдан чиқарилган вақтнинг ўзидан унга тақдим этади.

Марказ маълумотнома келиб тушгандан сўнг 10 дақиқа мобайнида уни техника эгаси ёки унинг вакилининг электрон почта манзилига юборади ёхуд техника эгаси ёки унинг вакилини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади. Марказга техника эгаси ёки унинг вакилининг ўзи келиб мурожаат қилганда, Марказ техника эгаси ёки унинг вакилининг сўровига кўра, маълумотномани техника эгаси ёки унинг вакилига электрон шаклда ёки қоғоз шаклда беради.

21. Ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган техниканинг техник паспорти ёки техник гувоҳномаси ёхуд ДРБ йўқолганда, уларни Инспекциянинг ахборот тизимида мавжудлиги текширилади ва белгиланган тартибда йиғим ундирилгандан сўнг, техникани рўйхатга олиш китобига техниканинг техник паспорти ёки техник гувоҳномаси ёхуд ДРБ йўқолганлиги тўғрисидаги тегишли ёзув киритилади.

Зарур ҳолларда, техника эгасига белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган техниканинг агрегат рақамлари тўғрисидаги тегишли маълумотнома берилади.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

22. Инспекцияда техникаларни ҳисобдан чиқариш ҳаракатларини амалга ошириш учун асос бўладиган ҳужжатлар уч йил сақланади ва ушбу муддат ўтгандан кейин белгиланган тартибда давлат архивига топширилади.

23. Инспекцияга ҳужжатлар тақдим қилинганда ёки электрон шаклда мурожаат қилинганда, уларни ўрганиш ёки техник кўриқ жараёнларида асли билан таққосланиши шарт.

24. Инспекция, Марказ ва давлат хизматларини кўрсатишда иштирок этувчи бошқа ташкилотлар давлат хизматларини кўрсатиш бўйича олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

25. Инспекция, Марказ ва давлат хизматларини кўрсатишда иштирок этувчи бошқа ташкилотлар манфаатдор шахсга маъмурий ҳужжатни қабул

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатлар юзасидан ўз фикрини билдириш имкониятини беради.

26. Техника эгаси ёки унинг вакили давлат хизматларини кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

27. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 29 апрелдаги 170-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари
рўйхатда турганлиги тўғрисида маълумотнома бериш бўйича
давлат хизматларини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент жисмоний ва юридик шахсларга (кейинги ўринларда — ариза берувчи) қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари (кейинги ўринларда — техника) рўйхатда турганлиги тўғрисида маълумотнома бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

техниканинг рўйхатда турганлиги тўғрисида маълумотнома (кейинги ўринларда — маълумотнома) — давлат рўйхатига олинган техниканинг номи, русуми, завод рақами, ишлаб чиқарилган йили, двигател рақами, техник паспорти ёки техник гувоҳномаси серияси ва рақами, давлат рақами белгиси ҳамда техникага нисбатан тақиқ мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотлар жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровига асосан тақдим этилади;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари — идоровий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, қишлоқ ва ўрмон хўжалигига мўлжалланган барча турдаги тракторлар (ғилдиракли, занжирли ва ярим занжирли), ўзиюрар машиналар (ўзиюрар қишлоқ хўжалиги машиналари, ўзиюрар мелиоратив ҳамда йўл-қурилиш техникалари), трактор тиркамалари, қишлоқ хўжалиги, йўл-қурилиш, мелиоратив ва бошқа мақсадларга мўлжалланган тупроққа ва экинларга ишлов берувчи, юк ортувчи, дон ва уруғни қайта ишлашга мўлжалланган машиналар, чорвачилик, паррандачилик ва ем-хашак ишлаб чиқариш машина ва технологик ускуналари, сув насослари, кичик механизация мосламалари.

3. Техникаларни рўйхатда турганлиги тўғрисидаги маълумотномани бе-

риш бўйича давлат хизматлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция), давлат хизматлари маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали жисмоний ва юридик шахснинг сўровномасига асосан амалга оширилади.

4. Маълумотнома техникага оид қуйидаги ахборотларни ўз ичига олади: техника тўғрисидаги маълумотлар, жумладан номи, русуми, завод рақами, техник паспорти ёки гувоҳномаси серияси ва рақами, давлат рақами белгиси, двигатель қуввати, ишлаб чиқарилган йили, двигатель рақами, давлат рўйхатидан ўтказилган сана, шунингдек, алоҳида белгилар ёки ўзгарган агрегатлар ҳақида маълумотлар (мавжуд бўлса);

техникага нисбатан тақиқнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумот.

5. Инспекция манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда техниканинг рўйхатда турганлиги тўғрисидаги маълумотларга қўшимча маълумотлар киритиши мумкин.

6. Марказ, ЯИДХП ва Инспекция ўртасида ахборотлар алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда — ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро ўзаро электрон боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

2-боб. Давлат хизматларини кўрсатиш тартиби

7. Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари учун маълумотнома бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш мазкур Регламентга 1-иловага* мувофиқ схемага асосан амалга оширилади.

8. Ариза берувчи маълумотнома олиш учун Инспекцияга ёки Марказга келиб мурожаат қилганда, Инспекция ёки Марказ ходими ариза берувчи номидан ушбу Регламентга 2-иловага* мувофиқ шаклдаги сўровномани тўлдиради.

9. Сўровнома тўлдирилганидан сўнг, ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификацияловчи замонавий воситалар (дактилоскопия, электрон рақамли имзо, Мобил-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

Ариза берувчи ЯИДХП орқали мурожаат қилганда, сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

10. Инспекция ёки Марказ орқали давлат хизматлари кўрсатганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга тўлов ставкаларининг 50 фоизи миқдорида чегирма қўлланилади, бунда юридик шахсларнинг вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар мустасно.

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Давлат хизматлари кўрсатганлик учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

11. Маълумотнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатганлик учун ундириладиган йиғимлар қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Марказга ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи — Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи — Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

20 фоизи — Республика бюджетига;

қолган маблағлар — Инспекциянинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

11,75 фоизи (шундан 0,5 фоизи — Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатилганда) — Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

20 фоизи — Республика бюджетига;

қолган маблағлар — Инспекциянинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади;

в) Инспекцияга ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи — Республика бюджетига;

80 фоизи — Инспекциянинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

12. Сўровномада маълумотларни нотўғри кўрсатилиши, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғимни тўламаслик давлат хизматлари кўрсатишни рад этишга асос бўлади.

Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

13. Маълумотнома техниканинг давлат рақам белгиси, техник паспорти ёки техник гувоҳномасининг серияси ва рақами асосида тақдим этилади.

14. Ариза берувчи давлат хизматлари кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга.

Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрилмасдан қолдирилади. Бунда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

15. Ариза берувчи маълумотномани олиш учун Инспекцияга ёки Марказга келиб мурожаат қилганда, унинг сўровномаси Инспекция ёки Марказ ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқланганидан

сўнг, реал вақт режимида барча ҳужжатлар Инспекцияга электрон шаклда юборилади.

Ариза берувчи ЯИДХП орқали мурожаат қилганда, сўровнома автоматик тарзда Инспекцияга электрон шаклда юборилади.

16. Инспекция сўровнома келиб тушган вақтдан бошлаб реал вақт режимида ушбу Регламентга 3-иловага* мувофиқ QR-код қўйилган маълумотномани автоматик равишда расмийлаштиради ҳамда уни ариза берувчига беради ёки Марказга ёхуд ЯИДХП орқали ариза берувчига электрон шаклда юборади.

17. Марказ ходими маълумотнома тушгандан сўнг реал вақт режимида уни ариза берувчининг электрон почта манзилига юборади ва ариза берувчини бу ҳақида ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади.

Марказ ходими ариза берувчи ўзи келиб мурожаат қилганда, ариза берувчининг сўровига кўра маълумотномани электрон шаклда беради.

18. Маълумотнома шахсга оид маълумотлар ошкор қилинмаган ҳолда тақдим этилади (техника эгасининг ўз техникасини рўйхатда турганлигини билиш учун йўлланган сўровномаси бундан мустасно).

Маълумотнома ахборот хусусиятига эга бўлиб, келгусида расмий ҳаракатларни амалга ошириш учун асос бўлмайди.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

19. Маълумотнома ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, судларга ҳамда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ваколатли ташкилотларга бепул тақдим этилади.

20. Ариза берувчи давлат хизматларини кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

21. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 29 апрелдаги 170-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш
техникаларини мажбурий йиллик техник кўриқдан
ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент жисмоний ва юридик шахсларнинг (кейинги ўринларда — техника эгаси) қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳамда сервис ва таъмирлаш жиҳозлари ва бошқа ускуналарини (кейинги ўринларда — техника) мажбурий йиллик техник кўриқдан (кейинги ўринларда — техник кўриқ) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Техникаларни техник кўриқдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) ҳамда юридик шахслар (кейинги ўринларда — тадбиркорлик субъектлари) томонидан мазкур Регламентга мувофиқ амалга оширилади.

Техникаларнинг техник ҳолатини аниқлаш учун Инспекция томонидан вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг техника базалари, шунингдек, хусусий техник хизмат кўрсатиш станциялари шартнома асосида жалб этилиши мумкин.

Жисмоний шахсларнинг 100 от кучигача қувватга эга бўлган техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳам амалга оширилади.

3. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

махсус майдонча — техникаларни техник кўриқдан ўтказиш, зарур ҳолатларда тегишли ўлчов асбоб-ускуналаридан фойдаланиш имкониятига эга бўлган майдон;

техника эгаси — техника воситасига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида эгалик қилувчи юридик ёки жисмоний шахс;

техник гувоҳнома — техник паспорт берилмайдиган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиши ҳамда бошқа мақсадларга мўлжалланган агрегат, машина, механизм ва ускуналарга бериладиган махсус ҳимояланган ҳужжат;

техник паспорт — қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари, тракторлар, трактор тиркамалари ва ўзиюрар машиналарга бериладиган махсус ҳимояланган ҳужжат;

техник кўриқ далолатномаси — мавжуд техникалар сони ва улар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжат;

техник кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисидаги талон — техникаларни техник кўриқдан ўтказиш натижасига кўра ҳар бир техника учун бериладиган махсус ҳимояланган ҳужжат;

техникаларни юклашдан олдин техник кўриқдан ўтказиш — техникаларнинг умумий техник регламент ва давлат синови натижаларининг ижобий кўрсаткичларига мослигини кўриб чиқиш;

ўзиюар машиналар — ўзининг ҳаракатлантирувчи қурилмасига эга қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари — идоровий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, қишлоқ ва ўрмон хўжалигига мўлжалланган барча турдаги тракторлар (ғилдиракли, занжирли ва ярим занжирли), ўзиюар машиналар (ўзиюар қишлоқ хўжалиги машиналари, ўзиюар мелиоратив ҳамда йўл-қурилиш техникалари), трактор тиркамалари, қишлоқ хўжалиги, йўл-қурилиш, мелиоратив ва бошқа мақсадларга мўлжалланган тупроққа ва экинларга ишлов берувчи, юк ортувчи, дон ва уруғни қайта ишлашга мўлжалланган машиналар, чорвачилик, паррандачилик ва ем-хашак ишлаб чиқариш машина ва технологик ускуналари, сув насослари, кичик механизация мосламалари.

4. Техникаларни техник кўриқдан ўтказишнинг асосий мақсади:

техникаларнинг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши бўйича назоратни амалга ошириш;

техникаларнинг техник ҳолатини Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни ва Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 18 мартдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги техникалари конструкциясининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент ҳамда мазкур регламентнинг 1-иловасида* келтирилган Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини (параметрлари) техник кўриқдан ўтказишга оид талабларга асосан стандартлар, қоидалар ва нормаларга мувофиқлигини баҳолаш;

техникаларнинг сони, ҳолати, амалда мавжудлиги, тегишлилиги ва рўйхатдан ўтказиш бўйича бошқа маълумотларни аниқлаштириш;

техникалардан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш юзасидан профилактика ишларини ташкил этиш ҳисобланади.

5. Юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан, хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ҳамда белгиланган тартибда Инспекция томонидан рўйхатдан ўтказилган техникалар техник кўриқдан ўтказилади.

Техник кўриқдан ўтказилган техникалар тўғрисидаги маълумотлар Инспекциянинг «Техникалар техник кўриги» автоматлаштирилган ахборот тизимида киритиб борилади.

6. Инспекция томонидан техникалар қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўриқдан ўтказилиши керак:

а) ишлаб чиқарилган йилидан, фойдаланиш ёки фойдаланмаслик, яроқли ёки яроқсизлигидан қатъи назар, барча турдаги техникалар — бир йилда бир марта;

б) навбатдаги техник кўриқдан ўтказишнинг аввалги белгиланган муддатидан қатъи назар, уларни Инспекцияда давлат рўйхатидан ўтказишда, қайта

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рўйхатдан ўтказишда, вақтинчалик рўйхатдан ўтказишда, ҳисобдан ҳамда рўйхатдан чиқарилишидан олдин;

7. Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли техникаларнинг техник кўриги 1 январдан 31 декабргача ўтказилади.

Техникалар техник кўрикка белгиланган муддатдан олдин тақдим этилиши мумкин.

8. Техникаларни техник кўриқдан ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатганлик учун йиғимлар ушбу Регламентга 2-иловадаги* тўлов ставкаларига мувофиқ амалга оширилади.

Техникаларни техник кўриқдан ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатганлик учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

Биринчи (олдинги) техник кўриқда носоз деб топилган техникалардан такрорий техник кўриқдан ўтказилганлик учун йиғим ундирилади.

9. Жисмоний шахсларнинг 100 от кучигача қувватга эга бўлган техникаларини техник кўриқдан ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатганлик учун йиғим миқдори тадбиркорлик субъектлари томонидан мустақил равишда белгиланади ҳамда келиб тушган маблағлар тўлиқ ҳажмда унинг тасарруфидан қолдирилади.

2-боб. Жисмоний шахсларнинг 100 от кучигача қувватга эга бўлган техникаларини техник кўриқдан ўтказиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини ҳисобга олиш тартиби

10. Жисмоний шахсларнинг 100 от кучигача қувватга эга бўлган техникаларини техник кўриқдан ўтказиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини ҳисобга олиш мазкур Регламентга 3-иловага* мувофиқ схемага асосан амалга оширилади.

11. Тадбиркорлик субъекти жисмоний шахсларнинг 100 от кучигача қувватга эга бўлган техникаларини техник кўриқдан ўтказишни бошлашдан олдин Инспекцияга ёки унинг ҳудудий бошқармаларига ўзининг ишлаб чиқариш-техник базасида яратилган шароитлар мазкур Регламент талабларига мувофиқлиги ва фаолиятни амалга оширишга тайёр эканлиги тўғрисида ариза билан мурожаат қилади.

Тадбиркорлик субъекти аризага ўзининг ишлаб чиқариш-техник базасини «Ўзбекистон аккредитация маркази» давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда — «Ўзбекистон аккредитация маркази» ДУК) томонидан белгиланган тартибда техник жиҳатдан малакалилиги маъқуллашдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нусхасини илова қилади.

Шунингдек, Инспекция тадбиркорлик субъектининг уставини «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олади.

12. Мазкур Регламентнинг 11-бандига мувофиқ тақдим этилган ҳужжат-

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лар Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари томонидан 2 иш кунида ўрганиб чиқилади ва камчиликлар бўлмаган тақдирда 1 иш кунида Инспекцияга тақдим этилади.

13. Инспекция тақдим этилган ҳужжатларга асосан 1 иш кунида тадбиркорлик субъектини жисмоний шахсларнинг 100 от кучигача қувватга эга бўлган техникаларини техник кўриқдан ўтказиш учун зарур шароитларга эга бўлган тадбиркорлик субъектлари ҳисобини юритиш реестрига (кейинги ўринларда — реестр) киритиб, ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради ва бу ҳақида тадбиркорлик субъектини хабардор қилади.

Реестр аҳолини жисмоний шахсларнинг 100 от кучигача қувватга эга бўлган техникаларини техник кўриқдан ўтказиш учун зарур шароитга эга тадбиркорлик субъектлари тўғрисида хабардор қилиш мақсадида юритилади.

14. Инспекция 1 иш кунида реестрга киритилган тадбиркорлик субъектига «Техникалар техник кўриги» автоматлаштирилган ахборот тизимига техник кўриқдан ўтказилган техникалар тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш учун логин ва пароль берилади.

15. Тадбиркорлик субъекти томонидан мазкур Регламентнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда ёки ҳужжатларда нотўғри ёхуд бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда, Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари 2 иш кунида тадбиркорлик субъектини ушбу камчиликларни бартараф этиш тўғрисида хабардор қилади.

16. Тадбиркорлик субъекти мазкур Регламентнинг 11-бандига мувофиқ Инспекциянинг ҳудудий бошқармаларига қайта мурожаат хати юбориши ёки Инспекциянинг мансабдор шахслари ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда юқори турувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилиши мумкин.

17. Инспекция жисмоний шахсларнинг 100 от кучигача қувватга эга бўлган техникаларини техник кўриқдан ўтказиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларининг техникаларни техник кўриқдан ўтказиш жараёнини ҳар ойда камида бир марта текширувдан ўтказиши.

Текширув натижалари бўйича далолатнома тузилиб, иш фаолиятида камчиликларга йўл қўйган тадбиркорлик субъектлари юзага келган камчиликларни бартараф этмаса, уларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда таъсир чоралари қўлланилиши тўғрисида огоҳлантирилади.

18. Агар тадбиркорлик субъекти томонидан камчиликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаса, ушбу тадбиркорлик субъектининг иш жараёнини тўхтатиш ёки унинг техник жиҳатдан малакалилиги маъқуллашдан ўтказилган гувоҳномани бекор қилиш бўйича «Ўзбекистон аккредитация маркази» ДУКга тақдимнома киритилади.

Шунингдек, мазкур тадбиркорлик субъектини «Техникалар техник кўриги» автоматлаштирилган ахборот тизимига кириши тўхтатилади.

19. Аниқланган камчиликлар тўлиқ бартараф этилганидан сўнг, тадбиркорлик субъектига ўз фаолиятини қайта йўлга қўйишга ва техник кўриқдан ўтказилган техникалар тўғрисидаги маълумотларни «Техникалар техник кўриги» автоматлаштирилган ахборот тизимига жойлаштиришга рухсат этилади.

3-боб. Тадбиркорлик субъектлари томонидан жисмоний шахсларнинг 100 от кучигача қувватга эга бўлган техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби

20. Жисмоний шахсларнинг 100 от кучигача қувватга эга бўлган техникаларини техник кўриқдан ўтказиш ишлари тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш-техника базасида амалга оширилади.

21. Жисмоний шахсларнинг 100 от кучигача қувватга эга бўлган техникаларини навбатдаги техник кўриққа қўйиш санаси жорий техник кўриқ пайтида белгиланади.

Техника эгаси техникани навбатдаги техник кўриққа белгиланган муддатдан кечиктирмай тақдим этиши шарт.

22. Жисмоний шахсларнинг 100 от кучигача қувватга эга бўлган техникалари рўйхатдан ўтказилган ҳудудидан қатъи назар, исталган ҳудудда техник кўриқдан ўтказилиши мумкин.

23. Тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш-техника базаси «Ўзбекистон аккредитация маркази» ДУК томонидан белгиланган тартибда техник жиҳатдан малакалилиги маъқуллашдан ўтказилган, техникаларни техник кўриқдан ўтказиш учун зарур технологик жиҳозлар билан таъминланган бўлиши зарур.

24. Жисмоний шахсларнинг 100 от кучигача қувватга эга бўлган техникаларини техник кўриқдан ўтказиш учун тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш-техника базаси:

а) техник регламент талабларига мувофиқ бўлиши зарур;

б) техникаларнинг техник ҳолатини текширишни ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур технологик жиҳозлар ҳамда диагностика воситаларига эга бўлиши лозим, шу жумладан:

ўқига тушадиган максимал оғирлик 13 500 килограммгача бўлган техникаларнинг тормоз тизимини текшириш учун тормоз тизимининг техник диагностика воситаларига;

пневматик ва пневмогидравлик тормоз узатмаларида сиқилган ҳаво босими ва герметикликни (босим тушишини) назорат қилиш воситаларига;

тиркамаларни улаш мосламасини босиб туриш қурилмаси;

руль бошқарувидаги умумий люфтни ўлчаш ускунасига;

руль бошқаруви ва осмаси деталларидаги люфтларни текшириш тестерига;

чироқлар ёруғлигини бошқариш ва кучини назорат қилиш ускунасига;

шиналарни техник диагностика қилиш воситаларига;

газ анализаторига — ички ёнув двигателларига эга техниканинг ишлаб бўлинган газларида ифлослантирувчи моддаларнинг мавжудлигини аниқлаш ускунасига;

двигатель айланиш частотасини ва мой ҳароратини ўлчаш ускуналарига;

шовқинни ўлчаш ускунасига;

компрессорга;

қинчали манометрга;

зарур компьютер техникасига.

Айрим техник диагностика воситалари хавфсиз фойдаланиш талабларига мувофиқ бўлиши шарти билан универсал техник воситаларга алмаштирилиши мумкин.

Қўлланиладиган барча ўлчов воситалари тасдиқланган типда бўлиши, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ текширувдан ўтган бўлиши шарт.

25. Техникаларни техник кўриқдан ўтказиш учун мўлжалланган ишлаб чиқариш-техника базаси жойлаштириладиган хона ва майдонларга оид талаблар ушбу Регламентга 4-иловага* мувофиқ белгиланади.

26. Техникаларни техник кўриқдан ўтказиш учун тегишли мутахассисликка эга бўлган ёки диагностика қилиш технологияси, диагностика жиҳозларининг тузилиши ва ишлаш принциплари, диагностика воситаларини қўллаган ҳолда техник ҳолатни текшириш методлари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича талабларни ўрганган шахслар қўйилиши мумкин.

27. Жисмоний шахсларнинг 100 от кучигача қувватга эга бўлган техникаларини техник кўриқдан ўтказиш учун техника эгаси ёки унинг вакили тадбиркорлик субъекти ходимига мурожаат қилади ва қуйидаги ҳужжатларни кўрсатади:

тегишли тоифадаги техникани бошқариш ҳуқуқини берувчи тракторчи-машинист гувоҳномаси;

техниканинг техник паспорти;

жисмоний шахс вакилининг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат.

28. Тадбиркорлик субъектининг ходими техникани техник кўриқдан ўтказишни дастлаб техникани рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги техник паспортда кўрсатилган маълумотларга техника тури, русуми, модели, давлат рақами белгиси, шасси (рама), двигатель ва идентификациялаш рақамларининг мувофиқлигини текширишдан бошлайди.

Шунингдек, техникалар Инспекциянинг «Техникалар техник кўриги» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали текширилади ва маълумотлар мос келган тақдирда, белгиланган тартибда техник кўриқдан ўтказишга рухсат этилади.

29. Тадбиркорлик субъектлари ходими томонидан жисмоний шахсларнинг 100 от кучигача қувватга эга бўлган техникалари тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш-техника базасида белгиланган тартибда техник кўриқдан ўтказилади.

30. Тадбиркорлик субъектининг ходими техника эгасининг қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузганлиги (кўрсатилган ҳужжатлар ва агрегатлар идентификация рақамларининг сохталаштирилиши ва бошқа), техниканинг қидирувдалигини аниқлаганда, шунингдек, агрегат рақамлари техник ҳужжатларга мос келмаганда, техника йўл-транспорт ходисаси иштирокчиси бўлганлигига шубҳа уйғонганда, бу ҳақида дарҳол Инспекцияга ҳамда ички ишлар органларига хабар бериши шарт.

31. Тадбиркорлик субъекти қайта рўйхатдан ўтказилганда, номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда, бу ҳақида 7 иш кунида Инспекцияни хабардор қилади.

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

32. Тадбиркорлик субъекти томонидан жисмоний шахсларнинг 100 от кучигача қувватга эга бўлган техникаларини техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги далолатнома расмийлаштирилади ва маълумотлар 1 иш кунида Инспекциянинг «Техникалар техник кўриги» автоматлаштирилган ахборот тизимига жойлаштирилади.

4-боб. Инспекция томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг техникаларини техник кўриқдан ўтказишни ташкил этиш

33. Инспекция томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг техникалари рўйхатдан ўтказилган ҳудудидан қатъи назар, улар исталган ҳудудда ва қуйидаги жойларда техник кўриқдан ўтказилади:

зарур шароитга (техник диагностика ускуналарига, кўтариш мосламаларига ёки қараб чиқиш учун чуқурчаларга, назорат-ўлчаш асбобларига, асфальт ёки бетон билан қопланган бир текис горизонтал майдончага) ва малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотларда;

техник хизмат кўрсатиш станцияларида;

Инспекциянинг диагностика станцияларида;

ҳаракатланувчи (махсус автотранспорт) мобил техник назорат линияларида.

Техникаларни техник кўриқдан ўтказганлик учун йиғим ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ миқдорда ундирилади.

Техникаларни техник кўриқдан ўтказиш жойлари Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари ва туман (Қувасой шаҳар) бўлимлари томонидан белгиланади.

Инспекцияда техник кўриқлар бошлангунга қадар, барча диагностика асбоб-ускуналари текширилиши ва ишчи ҳолатга келтирилиши шарт.

34. Техникаларни техник кўриқдан ўтказиш учун ҳаракатланувчи мобил техник назорат линияларининг базаси қуйидаги зарур техник диагностика воситалар билан жиҳозланган бўлиши лозим:

руль бошқарувидаги умумий люфтни ўлчаш ускунаси;

техникаларнинг тормоз тизимини текшириш учун техник диагностика воситалари;

газ анализаторига — ички ёнув двигателларига эга техниканинг ишлаб бўлинган газларида ифлослантирувчи моддаларнинг мавжудлигини аниқлаш ускунаси;

чироқлар ёруғлигини бошқариш ва кучини назорат қилиш ускунаси;

шиналарни техник диагностика қилиш воситалари (штангенциркуль);

двигатель айланиш частотаси ва мой ҳароратини ўлчаш ускунаси;

шовқинни ўлчаш ускунаси;

зарур компьютер техникаси.

Айрим техник диагностика воситалари хавфсиз фойдаланиш талабларига мувофиқ бўлиши шарти билан универсал техник воситаларга алмаштирилиши мумкин.

Шунингдек, ҳаракатланувчи мобил техник назорат линиялари диагностика воситалари махсус автотранспорт воситаларида олиб юрилиши лозим.

35. Техникаларнинг техник кўригини ўтказиш мазкур Регламентга 5-иловадаги* жадвалга асосан режалаштирилади.

Ушбу жадвал техникаларнинг техник кўригини ўтказиш жойи, санаси ва вақти ҳамда кўриққа тақдим қилинган техникалар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳолда тузилади.

Мазкур жадвалда юридик ва жисмоний шахсларнинг техникалари сони 10 та ва ундан ортиқ бўлганда, уларни жойида, техника сони 10 тадан кам бўлганда, ҳудуддаги машина-трактор парки ёки муқобил машина-трактор парки ёхуд махсус майдончада йиғиш (жамлаш) орқали техник кўриқни ташкил этиш назарда тутилади.

Техникаларни техник кўриқдан ўтказиш кунлари Инспекция томонидан техника эгаларининг буюртмалари, об-ҳаво ва ишлаб чиқариш шароити ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

36. Бир кунда техник кўриққа қўйиладиган техникаларнинг сони мавжуд диагностика ва назорат-ўлчаш ускуналарининг кунлик унумдорлигидан келиб чиқиб белгиланади.

37. Юридик шахсларга уларнинг техникаларини техник кўриқдан ўтказиш муддатлари тўғрисидаги билдиришнома юборилади.

Техник кўриқдан ўтказиш далолатномалари талаб этиладиган маълумотлар кўрсатилган ҳолда (техниканинг техник ҳолати тўғрисидаги маълумотдан ташқари) техникалар рўйхатига мувофиқ тўлдирилади. Техникаларни техник кўриқдан ўтказиш далолатномасида кўрсатилган маълумотлар Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари ва туман (Қувасой шаҳар) бўлимларининг техникаларни ҳисобга олиш маълумотлари билан таққосланади.

38. Техникаларни техник кўриқдан ўтказиш ташкилотларда, ҳудудларга чиққан ҳолда ҳаракатланувчи мобил техник назорат линияларида ва техник хизмат кўрсатиш станцияларида иш вақтида амалга оширилади.

39. Техникаларни техник кўриқдан ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатганлик учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

5-боб. Техникаларни техник кўриқдан ўтказиш

40. Техникаларни техник кўриқдан ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатиш мазкур Регламентга 6-иловага* мувофиқ схемага асосан амалга оширилади.

41. Техника эгаси ёки унинг вакили техникаларни техник кўриқдан ўтказиш учун Инспекцияга ўзи келиб мурожаат этганда, Инспекция ходими техника эгаси номидан ушбу Регламентга 7-иловага* мувофиқ шаклдаги сўровномани тўлдиради ва сўровнома техника эгаси ёки унинг вакили томонидан текширилиб, унинг имзоси билан тасдиқланади.

42. Техникаларни техник кўриқдан ўтказиш учун техника эгаси ёки унинг вакили Инспекцияга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

* 5 — 7-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

техника эгаси ёки унинг вакилининг сўровномаси;

а) жисмоний шахслар учун:

техниканинг техник паспорти ёки техник гувоҳномаси;

техникани бошқарувчи тракторчи-машинистнинг гувоҳномаси;

б) юридик шахслар учун:

техниканинг техник паспорти ёки техник гувоҳномаси;

техникани бошқарувчи тракторчи-машинистнинг гувоҳномаси;

юридик шахснинг раҳбари томонидан имзоланган ва ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган (муҳри мавжуд бўлган тақдирда) юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома.

43. Техникаларни техник кўриқдан ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатганлик учун йиғимлар ушбу Регламентга 2-иловадаги тўлов ставкаларига мувофиқ амалга оширилади.

Йиғим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

44. Техникаларни техник кўриқдан ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатиш учун йиғимнинг амалга оширилмаганлиги хизматлар кўрсатишни рад этишга асос ҳисобланади.

Шунингдек, Инспекция томонидан қуйидаги ҳолларда техникаларни техник кўриқдан ўтказиш бўйича сўровнома рад этилади:

сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилганда;

техника эгаси ёки унинг вакили томонидан техникалар техник кўриқдан ўтказиш учун 10 иш кун ичида тақдим этилмаганда.

45. Техникаларни техник кўриқдан ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатишни бошқа асослар билан рад этиш тақиқланади.

46. Техникаларни техник кўриқдан ўтказиш жойи ва вақти Инспекция томонидан белгиланади.

47. Инспекция ходими техникани техник кўриқдан ўтказишни дастлаб техникани рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатларда (техник паспорт ёки техник гувоҳнома) кўрсатилган маълумотларга техника тури, русуми, модели, давлат рақами белгиси, шасси (рама), двигатель ва идентификациялаш рақамларининг мувофиқлигини текширишдан бошлайди.

Шундан сўнг мазкур Регламентнинг 24 ёки 34-бандларида келтирилган махсус диагностик воситалар ёрдамида техник кўриқдан ўтказилади.

48. Ҳар қайси техниканинг техник ҳолати ва жиҳозлари техник регламентлар, стандартлар, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари ва нормаларига мувофиқлиги жиҳатидан текширилади.

49. Тиркамалар ва ярим тиркамалар техник кўриқдан алоҳида турган ҳолда ҳам ўтказилади.

50. Жисмоний шахснинг техникасини техник кўриқдан ўтказиш жойига (носозлиги ёки бошқа сабабларга кўра) олиб бориш имконияти бўлмаганда, рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, ҳисобдан чиқариш учун ёки бошқа ҳолларда техника эгасининг ёзма шаклдаги аризасига кўра Инспекция ходими томонидан техника турган жойда техникани кўриқдан ўтказиш бўйича алоҳида далолатнома тузган ҳолда техник кўриқдан ўтказилиши мумкин.

51. Техниканинг техник ҳолати ва жиҳозлари йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларидан ҳатто биттасига жавоб бермаганда, техника носоз ҳисобланади ва ундан фойдаланиш ман этилади.

Техникаларни техник кўриқдан ўтказиш натижасида техник жиҳатдан носоз деб топилган, шунингдек, техник ҳолати белгиланган талабларга жавоб бермайдиган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган техниканинг давлат рақами белгиси камчиликлар ва носозликлар бартараф этилгунга қадар Инспекция томонидан белгиланган тартибда ечиб олинади.

Ушбу техникалар олдинги техник кўриқдан ўтказилган вақтдан бошлаб 20 кундан кечикмай, ушбу Регламентда белгиланган тартибда қайта техник кўриқдан ўтказилади.

Бундай ҳолларда техниканинг техник ҳолатини текшириш фақат олдинги техник кўриқдан ўтказиш пайтида аниқланган техника хавфсизлиги талабларига мувофиқ бўлмаган кўрсаткичлар бўйича ўтказилади.

Техник кўриқдан ўтказилган вақтдан бошлаб 20 кундан ортиқ бўлган муддатда қайта техник кўриқдан ўтказишга олиб келинган техникаларнинг техник ҳолатини текшириш тўлиқ ҳажмда амалга оширилади.

52. Маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган ёки хорижий давлатлардан импорт қилинган техникалар истеъмолчига юклашдан ёки божхона органларида расмийлаштиришдан олдин ишлаб чиқарувчи, импорт қилувчи, харид қилувчи сўровига асосан ёки назорат тартибида техник регламент талабларига мос эканлиги бўйича техник кўриқдан ўтказилади.

53. Техникаларни манзилига юклаб жўнатишдан олдин Инспекция томонидан ишлаб чиқарувчи ҳудудида ёки божхона омборида техник кўриқдан ўтказилади ва унинг якуни билан мазкур Регламентга 8-иловага* мувофиқ далолатнома тузилади, имзоланади ва мулкдорга тақдим этилади. Манзилига юклаб жўнатишдан олдин техник кўриқдан ўтказилган техникаларга техник кўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги талон берилмайди.

54. Техникаларни манзилига юклаб жўнатишдан олдин ўтказиладиган техник кўриқ жисмоний шахслар томонидан хориждан келтириладиган ва ўз эҳтиёжи учун фойдаланадиган техникалар учун қўлланилмайди.

55. Техникаларни манзилига юклаб жўнатишдан олдин ўтказиладиган техник кўриқлар тўлов амалга оширилгандан сўнг бажарилади.

6-боб. Техникаларни техник кўриқдан ўтказилганлигини расмийлаштириш

56. Техник кўриқдан ўтказилган техникага ушбу Регламентга 9 ва 9а-иловаларга* мувофиқ шаклда далолатнома тузилади.

Далолатномага асосан мазкур Регламентнинг 10 ва 10а-иловаларга* мувофиқ техникани техник кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисидаги талонга муҳр қўйилади ҳамда техникани техник кўриқдан ўтказилган санаси, унинг амал қилиш муддати акс этирилган ҳолда Инспекция ходимининг имзоси билан тасдиқланади ва техника эгаси ёки унинг вакилига тақдим этилади ҳамда

* 8 — 10-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

маълумотлар «Техникалар техник кўриги» автоматлаштирилган ахборот тизимига жойлаштирилади.

57. 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб техникаларни техник кўриқдан ўтказиш бўйича далолатнома маълумотлари «Техникалар техник кўриги» автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилиб борилади (ушбу санадан бошлаб хорижий давлатларга чиқадиган техникалардан ташқари барча техникаларга техник кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисидаги талон бериш амалиёти бекор қилинади).

58. Техника техник кўриқдан ўтказилгандан сўнг Инспекциянинг ходими томонидан техник кўриқ далолатномаси тузилади ҳамда техник кўриқ натижаси 1 иш кунда «Техникалар техник кўриги» автоматлаштирилган ахборот тизимига жойлаштирилади.

59. Техникани навбатдаги техник кўриқдан ўтказиш муддати тўғрисидаги маълумот «Техникалар техник кўриги» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали 10 кун олдин техника эгаси ёки унинг вакилини телефон рақамига техникани техник кўриқдан ўтказиш вақти ҳақидаги хабарнома юборилади.

60. Техникани техник кўриқдан ўтказиш жойига олиб бориш имкони бўлмаганда, жисмоний ва юридик шахслар белгиланган муддатда Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари ва туман (Қувасой шаҳар) бўлимларига ёзма шаклда сўровнома юборади. Сўровномага ушбу Регламентнинг 42-бандида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар илова қилинади.

Бунда Инспекциянинг ҳудудий бошқармаси ва туман (Қувасой шаҳар) бўлимларининг техника ҳолатини назорат қилиш инспектори томонидан «Техникалар техник кўриги» автоматлаштирилган ахборот тизимига носозлик тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

Техникадаги носозликлар бартараф этилгандан кейин, техника эгаси ёки унинг вакили мазкур Регламент талабларига асосан техникани техник кўриқдан ўтказиш учун қайта тақдим этади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

61. Техник кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисидаги талон қатъий ҳисобда турадиган бланка ҳисобланади, уларни сақлаш, сарфлаш ва ҳисобга олиш белгиланган тартибда Инспекция томонидан амалга оширилади.

Талон бланкаларини тайёрлаш харажатлари марказлаштирилган тартибда Инспекцияни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

62. Инспекция ва тадбиркорлик субъектлари техникаларни мазкур Регламент талабларига мувофиқ техник кўриқдан ўтказилишини таъминлаш учун масъул ҳисобланади.

63. Техникалар республиканинг бошқа ҳудудида бўлганда, техникаларни техник кўриқдан ўтказиш ушбу ҳудуддаги Инспекция томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

64. Техника эгаси ёки унинг вакили хизматлар кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

65. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 29 апрелдаги 170-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш
йўналишидаги таълим ташкилотларини ҳисобга олиш
ҳамда тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш бўйича
давлат хизматларини кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент юридик шахсларнинг тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўналишидаги таълим ташкилотларини ҳисобга олиш, шунингдек, жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда — талабгор) имтиҳонларга рухсат бериш, имтиҳонлар олиш, қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини (кейинги ўринларда — техника) бошқариш ҳуқуқини берувчи тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш тартибини белгилайди.

Тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўналишидаги таълим ташкилотларига олий таълим ва малака ошириш муассасалари, профессионал таълим муассасалари ҳамда таълим бериш лицензиясига эга бўлган бошқа нодавлат ташкилотлари (кейинги ўринларда — таълим ташкилотлари) қиради.

2. Тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўналишидаги таълим ташкилотларини ҳисобга олиш ва ўқув жараёнларини назорат қилиш ҳамда имтиҳонларга рухсат бериш, имтиҳонлар олиш, техникаларни бошқариш ҳуқуқини берувчи тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш бўйича давлат хизматлари мазкур Регламентга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) томонидан амалга оширилади.

Тракторчи-машинист гувоҳномаси мазкур Регламентга 1-иловага* мувофиқ намунага ва таснифга кўра Инспекция томонидан тайёрланади.

3. Тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш бўйича кўрсатиладиган давлат хизматлари «Тракторчи-машинист» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга оширилади ва унга маълумотлар тегишлилиги бўйича таълим ташкилотлари ҳамда Инспекция томонидан киритилади.

Инспекция қўйдаги назорат функцияларини амалга оширади:

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўналишидаги таълим ташкилотларини ҳисобга олиш;

тракторчи-машинистликка талабгорларнинг ўқув гуруҳларидаги дастлабки ва якуний электрон ҳисобини юритиш;

ўқув гуруҳларидаги тракторчи-машинистликка талабгорларнинг таълим жараёнидаги иштирокини ва якуний имтиҳонларни назорат қилиш, таълим сифатини баҳолаб бориш, шу жумладан, тракторчи-машинистликка талабгорларни ўқишга қабул қилиш, гуруҳдан гуруҳга ўтказиш, рўйхатдан чиқариш ва ўқишини тугатганлиги тўғрисидаги маълумотларни (сертификат, гувоҳнома ва бошқалар) электрон тарзда олиш;

техникаларни бошқариш ҳуқуқини бериш учун тракторчи-машинистликка талабгорлардан имтиҳонларни қабул қилишнинг электрон навбат тизимини йўлга қўйиш, имтиҳон топшираётган тракторчи-машинистликка талабгорларнинг шахсини идентификация қилиш ҳамда улар тўғрисидаги электрон маълумотлар базасини шакллантириш;

назарий имтиҳонларни инсон омили аралашувисиз қабул қилиш ҳамда натижаларни автоматик тарзда баҳолаш ва расмийлаштириш;

амалий имтиҳонларни махсус майдончада имтиҳон қайси тоифадаги техникаларни бошқариш ҳуқуқини олиш учун топшириладиган бўлса, ўша тоифага мансуб бўлган техникаларни бошқаришнинг амалий кўникмаларини баҳолаш;

тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш ҳамда тракторчи-машинистлар рўйхатини шакллантириш.

4. Барча техникалар тури, вазифаси ва бошқариш хусусиятларига кўра «А», «В», «С», «D», «E» ва «F» тоифаларига бўлинади. Уларни бошқариш учун берилган тракторчи-машинист гувоҳномасининг тегишли катагида рухсат берувчи белги қўйилади.

Тракторчи-машинист гувоҳномасининг «А», «В», «С», «D», «E» ва «F» катагида рухсат берувчи белгиси бўлган шахслар қуйидаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга:

«А» тоифа — 30 от кучигача эга бўлган филдиракли тракторлар;

«В» тоифа — 30 от кучи ва ундан юқори от кучига эга бўлган филдиракли тракторлар;

«С» тоифа — занжирли тракторлар;

«D» тоифа — механик трансмиссияли қишлоқ хўжалиги техникалари;

«E» тоифа — гидростатик трансмиссияли қишлоқ хўжалиги техникалари;

«F» тоифа — мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари.

Тракторчи-машинист гувоҳномаси уч тоифага бўлинади:

«А», «В», «С» ва «D» тоифаси;

«А», «В», «С», «D» ва «E» тоифаси;

«А», «В», «С», «D», «E» ва «F» тоифаси.

Тракторчи-машинистларга тоифасига кўра, класслар қуйидаги тартибда:

III класс — тракторчи-машинист гувоҳномасига эга бўлган фуқароларга;

II класс — III классга ва шу йўналишда уч йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлган фуқароларга;

I класс — II классга ва шу йўналишда уч йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлган фуқароларга талабгорнинг ёки иш берувчининг сўровномасига асосан Инспекция томонидан берилади.

2-боб. Тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўналишидаги таълим ташкилотларини ҳисобга олиш ва уни расмийлаштириш тартиби

5. Тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўналишидаги таълим ташкилотларини ҳисобга олиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш мазкур Регламентга 2-иловага* мувофиқ схемага асосан амалга оширилади.

6. Таълим ташкилотлари тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ўз фаолиятини бошлашдан олдин Инспекцияга мурожаат этади.

7. Тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўналишидаги таълим ташкилотларини ҳисобга олиш учун юридик шахс Инспекцияга қуйидаги ҳужжатларни топширади:

юридик шахснинг аризаси (мазкур Регламентга 3-иловадаги* намунага мувофиқ);

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома.

8. Тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўналишидаги таълим ташкилотларини ҳисобга олиш бўйича ариза 8 иш кунидан кечиктирилмасдан кўриб чиқилади.

9. Ариза келиб тушгандан сўнг, тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўналишидаги таълим ташкилотининг моддий-техника ва ўқув-методик базасини кўриқдан ўтказиш учун Инспекциянинг туман (шаҳар) бўлимларининг буйруғига асосан текширув комиссияси тузилади.

Текширув комиссияси Инспекция, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда нодавлат ташкилотлар вакилларида иборат таркибда тузилади. Инспекциянинг ходими комиссия раиси ҳисобланади.

10. Текширув комиссияси тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўналишидаги таълим ташкилотининг моддий-техника ва ўқув-методик базасини қуйидаги талабларга жавоб беришини кўриб чиқади:

камида 48 кв.м. майдонга эга бўлган ўқув хоналарининг мавжудлиги, ўқувчилар учун зарур шароитлар яратилганлиги, белгиланган талабларга мувофиқ моддий-техника жиҳозлари билан таъминланганлиги;

таълим ташкилотининг иш режасига киритилган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини бошқариш бўйича амалий машғулотларни тўлиқ ўтказиш учун ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминланганлиги;

муҳандис-педагоглар, инструкторлар ҳамда ишлаб чиқариш усталарининг маълумотга эгаллиги ва билим даражасининг етарлилиги;

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тракторчи-машинистликка талабгорларга техникаларни амалий бошқаришни ўргатиш учун белгиланган талабларга мувофиқ жиҳозланган майдонча, дала майдончаси, техника ёки ундан фойдаланиш тўғрисида шартноманинг мавжудлиги.

Таълим ташкилотига мулк ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ўқув хоналаридан, улардаги жиҳоз ва машқ техникаларидан ўқув машғулотлари жараёнида фойдаланилади.

11. Текширув комиссиясининг таълим ташкилотига тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўналишидаги таълим ташкилотларини ташкил этиш бўйича талабларнинг бажарилганлигини ўрганиш натижалари юзасидан мазкур Регламентга 4-иловага* мувофиқ намунада икки нусхада далолатнома тузилади ва Инспекция томонидан тасдиқланади. Далолатноманинг бир нусхаси Инспекцияда, иккинчи нусхаси таълим ташкилотига сақланади.

12. Далолатномада текширув комиссиясининг таълим ташкилотини тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича талабларга жавоб бериши ёки жавоб бермаслиги тўғрисидаги хулосаси кўрсатиб ўтилади.

13. Далолатномада «жавоб беради» деб хулоса берилганда, далолатнома тузилган кундан бошлаб 1 иш кунига таълим ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар Инспекциянинг «Тракторчи-машинист» автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилади ва ушбу таълим ташкилоти тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўналишидаги таълим ташкилоти ҳисобига олинади.

Ушбу таълим ташкилотига «Тракторчи-машинист» автоматлаштирилган ахборот тизимига таълим ташкилотининг ўқув гуруҳларига қабул қилинган талабгорлар тўғрисидаги маълумотларни киритиш учун логин ва пароль берилади.

Таълим ташкилоти «Тракторчи-машинист» автоматлаштирилган ахборот тизимига таълим ташкилотининг номи, манзили, банк реквизитлари, уставни тасдиқлаш (рўйхатдан ўтказиш) тўғрисидаги гувоҳнома рақамини ҳамда тайёрланадиган тракторчи-машинистлар тоифаларини киритади.

14. Таълим ташкилоти ўқув гуруҳларидаги ўқувчилар сони, назарий ва амалий машғулотларни бошлаш муддатларини Инспекция билан келишган ҳолда белгилайди.

15. Ўқув гуруҳларидаги ўқувчилар рўйхати ва улар тўғрисидаги маълумотлар машғулотлар бошланишидан олдин таълим ташкилоти томонидан «Тракторчи-машинист» автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилади.

Ўқув гуруҳларида ўқиш жараёни бошланганидан бир кун ўтиб тақдим этилган ўқувчилар рўйхати «Тракторчи-машинист» автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилмайди.

16. Тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув гуруҳларида ўқувчилар сони 8 кишидан кам бўлмаслиги ҳамда 25 кишидан ошмаслиги керак.

17. Таълим ташкилотининг ўқув гуруҳларида ўқиш жараёни яқунланганга

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нидан сўнг, ўқувчиларга тегишли тоифадаги техникани бошқариш бўйича ўқув дастурларини тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома берилган санадан бошлаб 5 иш куни ичида бу тўғрисидаги маълумотлар «Тракторчи-машинист» автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилиши лозим.

18. Инспекцияда белгиланган тартибда ҳисобга олинган таълим ташкилотларининг ўқув моддий-техника базаси ва фаолияти ҳар йили камида бир марта, ўқув гуруҳларининг ўқув жараёни — ҳар ойда камида бир марта текширилади.

Текширув натижалари бўйича далолатнома тузилиб, иш фаолиятида камчиликларга йўл қўйган таълим ташкилотлари юзага келган камчиликларни бартараф этмаса, уларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда таъсир чоралари қўлланилиши тўғрисида огоҳлантирилади.

19. Агар таълим ташкилоти томонидан камчиликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаса, Инспекцияда янги ўқув гуруҳларини рўйхатдан ўтказиш тўхтатилади.

Ушбу таълим ташкилотиди тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув жараёнларини тўхтатиш ёки унинг лицензиясини бекор қилиш бўйича Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига тақдимнома киритилади. Шунингдек, мазкур таълим ташкилотига «Тракторчи-машинист» автоматлаштирилган ахборот тизимига кириш тўхтатилади.

20. Аниқланган камчиликлар тўлиқ бартараф этилганидан сўнг, таълим ташкилотига ўз фаолиятини қайта йўлга қўйишига ва янги ўқув гуруҳларини рўйхатдан ўтказишига рухсат этилади.

21. Инспекцияда тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўналишидаги таълим ташкилотлари бўйича назорат-кузатув йиғма жилди юритилади.

Унда таълим ташкилотининг моддий-техник базаси, ўқув техникалари рўйхати, амалий машғулот ўтказиладиган йўналишли харита нусхаси, ўқув гуруҳларини текшириш ҳақидаги маълумотлар, текшириш далолатномалари, йил давомида амалга оширилган ишларнинг таҳлили ва бошқа маълумотлар жамланади.

3-боб. Тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун имтиҳон топширишга рухсат бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг тартиби

22. Тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун имтиҳон топширишга рухсат бериш ва имтиҳонни ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш мазкур Регламентга 5-иловага* мувофиқ схемага асосан амалга оширилади.

23. Тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун имтиҳон топширишга талабгорнинг (кейинги ўринларда — талабгор) мурожаати уни рўйхатдан ўтказилган ҳудудидан қатъи назар, исталган ҳудудда кўриб чиқилади.

24. Талабгор тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун имтиҳон топшириш учун Инспекцияга ёки давлат хизматлари марказига (кейинги

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ўринларда — Марказ) келиб мурожаат этганда, Инспекция ёки Марказ ходими талабгор номидан ушбу Регламентга 6-иловага* мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

Талабгор Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали давлат хизматларидан фойдаланганда, сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

Мобил-ID тизими орқали сўровнома тўлдирилганда фойдаланувчининг телефон рақамига юборилган хабарни тасдиқлаш орқали идентификацияланади.

25. Талабгор тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун имтиҳон топшириш учун Марказга келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси Марказ ходими томонидан тўлдирилиб, талабгор томонидан тасдиқланганидан сўнг, реал вақт режимида Инспекцияга электрон шаклда юборилади.

Талабгор ЯИДХП орқали мурожаат қилганда, сўровнома автоматик тарзда Инспекцияга электрон шаклда юборилади.

26. Талабгор тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун имтиҳон топширишга рухсат бериш учун Инспекцияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- сўровнома;
- шахсни тасдиқловчи ҳужжат;
- тиббий маълумотнома (083-шакл).

Инспекция ходими «Тракторчи-машинист» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали талабгорнинг қуйидаги ҳужжатларини электрон шаклда олади:

тегишли тоифадаги техникани бошқариш учун дастурлар бўйича ўқишни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома;

диплом ва ўқув дастуридаги фанларни ўқиганлиги тўғрисидаги диплом варақасидан кўчирма нусха.

27. Талабгорнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларга қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун — идентификацияловчи ID-картаси (паспорт);

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари учун — ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги ёки ҳарбий қисмларнинг уй ажратиш тўғрисидаги маълумотномасини илова қилган ҳолда ҳарбий қисм ёки ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсни тасдиқловчи ҳужжат ёки ҳарбий билет (ҳарбий хизматга мажбур бўлган фуқароларнинг ҳарбий билетлари бундан мустасно);

чет эл фуқаролари учун — Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки чет эл фуқаросининг идентификацияловчи ID-картаси ёки дипломатик паспорти ёхуд Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжат;

фуқаролиги бўлмаган шахслар учун — чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификацияловчи ID-картаси, фуқаролиги бўлмаган

* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шахсларнинг ички ишлар органларининг доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтказилган жойи ҳақидаги белгиси қўйилган Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси.

28. Тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун имтиҳон топширишга рухсат бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатганлик учун йиғимлар ушбу Регламентга 7-иловадаги* тўлов ставкаларига мувофиқ ундирилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ушбу Регламентга 6-иловадаги тўлов ставкаларининг 50 фоизи миқдорига чегирма қўлланилади, бунда юридик шахсларнинг вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар мустасно.

Давлат хизматлари кўрсатганлик учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

29. Тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун имтиҳон топширишга рухсат бериш ва имтиҳонни ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатганлик учун ундириладиган йиғимлар қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Марказга ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи — Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи — Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

20 фоизи — Республика бюджетига;

қолган маблағлар — Инспекциянинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

11,75 фоизи (шундан 0,5 фоизи — ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатилганда) — Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

20 фоизи — Республика бюджетига;

қолган маблағлар — Инспекциянинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади;

в) Инспекцияга ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи — Республика бюджетига;

80 фоизи — Инспекциянинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

* 7-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

30. Қуйидаги ҳолларда Инспекция томонидан тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун имтиҳон топширишга рухсат бериш рад этилади:

давлат хизматлари кўрсатганлик учун йиғимга тўловлар амалга оширилмаганда;

сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилганда;

мазкур Регламентнинг 26-бандида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар сўровнома топширилганидан сўнг 3 иш куни ичида тўлиқ тақдим этилмаганда.

31. Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

32. Талабгорга тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун имтиҳон топширишга рухсат беришни рад этилишига сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилганда, талабгор тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун имтиҳон топширишга рухсат бериш тўғрисида қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, бунда йиғимлар ундирилмайди.

33. Талабгор тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун имтиҳон топширишга рухсат бериш бўйича Марказга келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси Марказ ходими томонидан тўлдирилиб, талабгор томонидан тасдиқланганидан сўнг реал вақт режимида Инспекцияга электрон шаклда юборилади.

ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса, сўровнома автоматик тарзда Инспекцияга электрон шаклда юборилади.

34. Инспекция тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, тегишли маълумотлар тўғрилигини текшириб, талабгорга тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун имтиҳон топширишга рухсат беради ёки рад этади.

35. Талабгорга тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун имтиҳон топширишга рухсат бериш 1 иш кунидан кечиктирилмасдан кўриб чиқилади.

36. Тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилганидан сўнг талабгор Инспекция ходими томонидан имтиҳон топширувчилар рўйхатига киритилади ҳамда назарий имтиҳонни ўтказиш санаси ва вақти ҳақида талабгорнинг электрон почта манзилига ёки унинг телефон рақамига хабарнома юборилади.

37. Талабгор узрли сабаб билан (бетоблиги туфайли ёки яқин қариндоши вафот этганда) белгиланган вақтда имтиҳонга келмай қолган ҳолларда, унинг яна бир бор имтиҳон топшириш имконияти сақланиб қолади.

38. «А», «В», «С», «D», «E» ва «F» тоифаларидаги техникаларни бошқариш бўйича ўқув жараёни муддати якунида 18 ёшга тўлган шахсларга имтиҳон топширишга рухсат этилади.

39. «А», «В», «С» ва «D» тоифаларидаги техникаларни бошқариш ҳуқуқини берувчи тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун 280 соатдан кам бўлмаган назарий ва амалий ўқув дастури асосида таълим ташкилотини битирган ва таълим ташкилоти томонидан бериладиган (сертификат, гувоҳнома ва бошқалар) ҳужжатга эга бўлган фуқароларга имтиҳон топширишга рухсат этилади.

«А», «В», «С» ва «D» тоифаларидаги техникаларни бошқариш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга:

«Е» тоифаси учун — 86 соат;

«Е ва «F» тоифалари учун — 152 соатли ўқув дастури асосида таълим олганидан сўнг имтихон топширишига рухсат этилади.

Шунингдек:

«А», «В», «С», «D» ва «Е» тоифалари учун — 360 соат;

«А», «В», «С», «D», «Е» ва «F» тоифалари учун — 440 соатдан кам бўлмаган назарий ва амалий ўқув дастури асосида таълим ташкилоти томонидан бериладиган (сертификат, гувоҳнома ва бошқалар) ҳужжатга эга бўлган фуқароларга имтихон топширишига рухсат этилади.

Машғулотларни ташкил этиш шаклидан қатъи назар, тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсларида умумий ўқув юкламасининг ҳажми ҳафтасига 20 соатгача, ўқув юкламасининг бажарилишидан келиб чиққан ҳолда аудиторияда ўтказиладиган назарий ва амалий машғулотларнинг кундалик ҳажми 4 соатгача режалаштирилади.

Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 80 дақиқа давом этадиган дарс жуфтлиги белгиланади.

Техникаларни бошқаришни ўргатиш учун ажратилган амалий машғулотларнинг кундалик ҳажми ҳар бир инструктор учун 8 соатдан ортиқ бўлмаган ҳолда белгиланади.

40. Тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун имтихонлар «Тракторчи-машинист» автоматлаштирилган ахборот тизимида аввал назарий, ундан сўнг амалий кетма-кетликда ўтказилади.

Назарий имтихонда тракторчи-машинистликка талабгорнинг йўл ҳаракати қоидалари, техникалар хавфсизлиги қоидалари ва ўқув дастурида назарда тутилган бошқа фанлар бўйича билимлари, амалий имтихонда эса техникани бошқариш кўникмалари синовдан ўтказилади ва баҳоланади.

Имтихонлар жараёнида талабгорларнинг аввал назарий билимлари, кейин амалий билимлари текширилади.

Назарий имтихондан ўтмаган шахслар амалий имтихонларга қўйилмайди.

41. Назарий имтихон «Тракторчи-машинист» автоматлаштирилган ахборот тизимида тест шаклида ўтказилади.

Назарий имтихон 15 та электрон тест саволларидан тузилган, ҳар бир саволга 3 — 5 та жавоб вариантлари келтирилган ва жавоблардан 1 таси тўғри бўлиши керак.

Имтихон саволларига жавоб бериш (тўғри жавоб варианты танлаш) учун тракторчи-машинистликка талабгорга 15 дақиқа вақт берилади. Имтихон хронометражи «Тракторчи-машинист» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали юритилади, ушбу вақт тугагач имтихон автоматик тарзда тўхтатилади.

Назарий имтихон натижалари «Тракторчи-машинист» автоматлаштирилган ахборот тизими томонидан автоматик тарзда баҳоланади. Бунда тракторчи-машинистликка талабгор имтихон учун ажратилган вақтда имтихон саволларининг:

12 та ва ундан кўпига тўғри жавоб берса — «топширди»;

12 тадан камига тўғри жавоб берса — «топширмади» якуний баҳоси қўйилади.

Имтиҳонни топшириш жараёнида тракторчи-машинистликка талабгорга адабиётлар, мобил алоқа, техник ёки бошқа ахборот воситаларидан фойдаланишга, имтиҳон ўтказиш жараёнига дахлдор бўлмаган шахсларнинг тракторчи-машинистликка талабгор билан мулоқотга киришишга рухсат этилмайди.

42. Назарий имтиҳондан ўтган талабгорга амалий имтиҳонни топширишга рухсат этилади.

43. Назарий имтиҳонларда олинган ижобий баҳо икки ой давомида ҳақиқий ҳисобланади.

Агар талабгор ушбу муддат ичида амалий имтиҳонни топширамаса (топшира олмаса), у назарий имтиҳонни қайта топширишга юборилади.

44. Барча тоифадаги техникаларни бошқариш ҳуқуқини бериш учун амалий имтиҳонлар Инспекциянинг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва туман (Қувасой шаҳар) бўлимлари бошлиғининг буйруғига асосан тузиладиган имтиҳон комиссияси томонидан қабул қилинади.

Имтиҳон комиссияси таркиби камида уч кишидан иборат бўлади, комиссия таркибига Инспекция, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа нодавлат ташкилотларнинг вакиллари киритилиши мумкин. Инспекция ходими комиссия раиси ҳисобланади.

Имтиҳон комиссияси аъзолари йўл ҳаракати, техника хавфсизлиги қоидалари ва имтиҳон олиш усулини билиши, бошқарилиши текшириляётган тоифадаги техникага оид билимларга эга бўлиши шарт.

45. Амалий имтиҳонда талабгор қайси тоифадаги техникани бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олиш хоҳишини билдирган бўлса, унинг фақат шу тоифадаги техникани бошқариши бўйича малакаси текширилади.

46. Йўл ҳаракати, техника хавфсизлиги қоидалари ва амалий бошқариш бўйича талабгорнинг натижалари мазкур Регламентга 8-иловага* мувофиқ тўлдириладиган тракторчи-машинистларга гувоҳномаларни бериш бўйича имтиҳон натижалари тўғрисидаги имтиҳон варақасига ёзилади ҳамда имтиҳон комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Баённома имтиҳонда иштирок этган комиссия аъзолари томонидан имзоланади.

47. Тракторчи-машинистларни техникани бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарор қонунчиликда белгиланган тартибда қабул қилинади. Техникани бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган фуқаролар, тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун, маҳрум қилиш муддатидан қатъи назар, мажбурий тиббий кўрикдан ўтишлари ҳамда назарий ва амалий имтиҳон топширишлари лозим.

48. Чет эл фуқароларига тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш тартиби ушбу Регламентда назарда тутилган умумий қоидалар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига республика ҳудудида техникаларни бошқариш учун фақат Ўзбекистон Республикасининг тракторчи-машинист гувоҳномаси ҳақиқий ҳисобланади.

* 8-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Чет элнинг тракторчи-машинист гувоҳномасига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари кўрсатилган тўлов ставкаларида йиғимларни тўлагандан кейин уларга белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг тракторчи-машинист гувоҳномаси берилади.

49. Имтиҳонларни қабул қилиш ва «А», «В», «С», «D», «E» ва «F» тоифаларидаги техникаларни бошқариш ҳуқуқини берувчи тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш Инспекция томонидан амалга оширилади.

50. Техникани бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш муддати тугаганидан кейин тракторчи-машинист гувоҳномаси назарий ва амалий имтиҳон топшириш орқали қайта берилади.

4-боб. Тракторчи-машинист гувоҳномасини расмийлаштириш

51. Тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш бўйича назарий ва амалий имтиҳонлардан ўтган талабгорларга тракторчи-машинист гувоҳномаси берилади.

«Тракторчи-машинист» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали тракторчи-машинист гувоҳномасининг серияси ва тартиб рақами электрон ҳолда шакллантирилади ва имтиҳон варақасида қайд этилади.

Тракторчи-машинист гувоҳномасидаги маълумотлар «Тракторчи-машинист» автоматлаштирилган ахборот тизими ёрдамида тайёрланади.

Тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатганлик учун йиғимлар ушбу Регламентга 7-иловадаги тўлов ставкаларига мувофиқ амалга оширилади.

52. Талабгорга тракторчи-машинист гувоҳномасини беришнинг асослилиги ва ҳужжатларнинг тўғри тўлдирилганлиги Инспекция ходими томонидан текширилади.

«Тракторчи-машинист» автоматлаштирилган ахборот тизимида тракторчи-машинистлар тўғрисидаги маълумотлар электрон шаклда юритилади.

53. Тракторчи-машинист гувоҳномасида бошқаришга рухсат этилган техникалар тоифаси қайд қилинади.

54. Тракторчи-машинист гувоҳномаси фуқаро шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатган ҳолда тракторчи-машинист гувоҳномасини олганидан ва қайд этиш китобига шахсан имзо қўйганидан сўнг берилади.

Тракторчи-машинист гувоҳномаси ишончнома бўйича берилмайди.

Таълим ташкилотларини тугатган фуқароларга тракторчи-машинист гувоҳномаси Инспекция томонидан имтиҳон ўтказиш яқунлари бўйича берилиши мумкин.

5-боб. Тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштириш ва йўқолгани ўрнига янгисини бериш тартиби

55. Жисмоний шахсларга тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштириш ва йўқолгани ўрнига янгисини бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш мазкур Регламентга 5-иловага мувофиқ схемага асосан амалга оширилади.

56. Жисмоний шахс тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштириш ёки йўқолгани ўрнига янгисини бериш бўйича Инспекцияга ёки Марказга келиб мурожаат этганда, Инспекция ёки Марказ ходими жисмоний шахс номидан ушбу Регламентга 6-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

Жисмоний шахс ЯИДХП орқали мурожаат қилганда, сўровнома автоматик тарзда Инспекцияга электрон шаклда юборилади.

Жисмоний шахс ЯИДХП орқали давлат хизматларидан фойдаланганда, сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

Мобил-ID тизими орқали сўровнома тўлдирганда фойдаланувчининг телефон рақамига юборилган хабарни тасдиқлаш орқали идентификацияланади.

57. Жисмоний шахс тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштириш ёки йўқолгани ўрнига янгисини бериш бўйича Марказга келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси Марказ ходими томонидан тўлдирилиб, жисмоний шахс томонидан тасдиқланганидан сўнг реал вақт режимида Инспекцияга электрон шаклда юборилади.

58. Жисмоний шахс тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштириш ёки йўқолгани ўрнига янгисини олиш учун Инспекцияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштириш учун:

сўровнома;

эски намунадаги ёки шикастланган ёхуд яроқсиз ҳолга келган тракторчи-машинист гувоҳномаси;

б) тракторчи-машинист гувоҳномаси йўқолганда янгисини бериш учун:

сўровнома;

шахсни тасдиқловчи ҳужжат.

59. Жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларга 36-бандда назарда тутилган ҳужжатлар киради.

60. Тракторчи-машинист гувоҳномаси йўқолганда янгисини олиш учун мурожаат этилганда Инспекция ходими «Тракторчи-машинист» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали жисмоний шахс тўғрисидаги маълумотларни электрон шаклда олади.

61. Тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштириш ва йўқолгани ўрнига янгисини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатганлик учун йиғимлар ушбу Регламентга 7-иловадаги тўлов ставкаларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат хизматларини кўрсатиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ушбу Регламентга 6-иловадаги тўлов ставкаларининг 50 фоизи миқдориди чегирма қўлланилади, бунда юридик шахсларнинг вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар мустасно.

Давлат хизматлари кўрсатганлик учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

62. Тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштириш ва йўқолгани ўрнига янгисини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатганлик учун ундирилладиган йиғимлар қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Марказга ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи — Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи — Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

20 фоизи — Республика бюджетига;

қолган маблағлар — Инспекциянинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

11,75 фоизи (шундан 0,5 фоизи — Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатилганда) — Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

20 фоизи — Республика бюджетига;

қолган маблағлар — Инспекциянинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади;

в) Инспекцияга ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи — Республика бюджетига;

80 фоизи — Инспекциянинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

63. Тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштириш ва йўқолгани ўрнига янгисини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш учун йиғимнинг амалга оширилмаганлиги хизматлар кўрсатишни рад этишга асос ҳисобланади.

Шунингдек, Инспекция томонидан қуйидаги ҳолларда тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштириш ва йўқолгани ўрнига янгисини бериш бўйича сўровнома рад этилади:

сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилганда;

жисмоний шахс томонидан тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштириш ва йўқолгани ўрнига янгисини бериш бўйича ҳужжатлар 3 иш куни ичида тўлиқ тақдим этилмаганда.

Давлат хизматларини кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

64. Жисмоний шахс тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштириш ёки йўқолгани ўрнига янгисини беришга рад этиш асосларини бартараф этиб, қайта мурожаат қилишга ҳақли. Бундай ҳолда йиғимлар ундирилмайди.

65. Тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштириш ёки йўқолгани ўр-

нига янгисини бериш тўғрисидаги мурожаат техниканинг рўйхатдан ўтказилган худудидан қатъи назар, исталган худудда кўриб чиқилиши мумкин.

66. Инспекция тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштириш ёки йўқолгани ўрнига янгисини беришга рухсат беради ёки рад этади.

67. Тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштириш ёки йўқолгани ўрнига янгисини бериш 1 иш кунидан кечиктирилмасдан кўриб чиқилади.

68. Тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилгандан сўнг, тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштириш ёки йўқолгани ўрнига янгисини бериш бўйича жисмоний шахснинг маълумотлари «Тракторчи-машинист» автоматлаштирилган ахборот тизимида жойлаштирилади, жисмоний шахснинг телефон рақамига, шунингдек, Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХП орқали тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштирилиши ёки йўқолгани ўрнига янгисини берилиши ҳақидаги хабарнома юборилади.

Жисмоний шахс Инспекцияга келиб «Тракторчи-машинист» автоматлаштирилган ахборот тизимида суратга тушади ва электрон имзо қўйгандан сўнг унга «Тракторчи-машинист» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали тайёрланган тракторчи-машинист гувоҳномасини қайд этиш китобига имзо қўйган ҳолда олади.

69. Бир неча тоифадаги техникаларни бошқариш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштиришда ўз хошишига кўра мавжуд тоифадан бирортасини ҳам олиши мумкин.

70. Тракторчи-машинист гувоҳномаси алмаштирилганда, янги берилаётган гувоҳноманинг «Алоҳида белгилар учун» номли катагига эски гувоҳноманинг серияси ва рақами ҳамда берилган куни ёзиб қўйилади.

71. Йўқолган (ўғирланган, ёнғин, табиий офат оқибатида ва бошқа ҳолатларда) тракторчи-машинист гувоҳномасининг янгиси 58-банднинг «б» кичик бандига асосан берилади.

72. Йўқолган тракторчи-машинист гувоҳномаси топилган тақдирда, у ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва Инспекцияга топширилади ҳамда белгиланган тартибда йўқ қилинади.

73. Янги намунадаги тракторчи-машинист гувоҳномасини олиш учун эски намунадаги тракторчи-машинист гувоҳномаси қайтариб олинади ва белгиланган тўлов ставкасида йиғимлар тўлангандан кейин янги намунадаги тракторчи-машинист гувоҳномаси берилади.

74. Тракторчи-машинистларга юқори класс бериш бўйича имтиҳон топширишга рухсат бериш ва тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштириш бўйича йиғимлар ушбу Регламентга 7-иловадаги тўлов ставкаларига мувофиқ амалга оширилади.

Юқори класс берилаётган тракторчи-машинистларнинг тракторчи-машинист гувоҳномаси янгисига алмаштирилиб, унинг алоҳида белгилар жойига класс қайд этилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

75. Тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш учун асос бўладиган ҳуж-

жатлар (сўровнома, имтихон варақаси, эски тракторчи-машинист гувоҳномаси ва бошқалар) ҳамда ўқув гуруҳларидаги ўқувчиларнинг рўйхати алоҳида иш ҳужжатлари сифатида йиғма жилдга тикилади ва белгиланган тартибда икки йил мобайнида сақланади.

76. Инспекцияда имтихон комиссиясининг баённомалари — 3 йил, тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш китоби — 25 йил сақланади, белгиланган муддат ўтгандан кейин ҳужжатлар давлат архивига топширилади.

77. Тракторчи-машинистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, улардан имтихон олиш, тракторчи-машинист гувоҳномаларини бериш билан боғлиқ бўлган барча иш юритиш ҳужжатлари белгиланган тартибда Инспекция томонидан олиб борилади.

78. Намунавий ўқув дастурлари Инспекция ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

79. Янги намунадаги тракторчи-машинист гувоҳномаси 10 йил муддатга берилади.

80. Талабгор томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар уларни ўрганишдан ёки имтихонга киришдан, шунингдек, тракторчи-машинист гувоҳномасини алмаштириш ёхуд йўқолгани ўрнига янгисини беришдан аввал уларнинг асли билан таққосланиши шарт.

81. Тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш бўйича аризалар 1 иш кунда кўриб чиқилади. Алоҳида қўшимча маълумот ёки маълумотларни аниқлаштирилиши лозим бўлган ҳолатларда — аризалар 10 иш кунда кўриб чиқилади.

82. Ушбу Регламент талабларининг бузилиши, тракторчи-машинист гувоҳномасининг қалбакилаштирилиши, тракторчи-машинист гувоҳномасига эга бўлмаган шахслар томонидан техникаларнинг бошқарилиши ҳамда бошқаришга рухсат этилиши белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

83. Инспекция, Марказ ва давлат хизматларини кўрсатишда иштирок этувчи бошқа ташкилотлар манфаатдор шахсга маъмурий ҳужжатни қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатлар юзасидан ўз фикрини билдириш имкониятини беради.

84. Талабгорлар давлат хизматларини кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

85. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 29 апрелдаги 170-сон қарорига
7-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш
инспекцияси томонидан назорат қилинадиган ва техник кўрикка
жалб этиладиган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш
техникалари, таъмирлаш ва сервис асбоб-ускуналарининг
РЎЙХАТИ**

I. Қишлоқ хўжалиги техникалари

1. Тракторлар

2. Трактор тиркамалари

3. Ўзиюрар машиналар:

ғалла ўриш комбайнлари;

шоли ўриш комбайнлари;

маккажўхори ўриш комбайнлари;

пахта териш машиналари;

ем-хашак ўриш комбайнлари;

силос ўриш комбайнлари;

ўрмон хўжалиги техникалари;

қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ўзи ҳаракатланувчи қурилмага (двигателга) эга бўлган бошқа машиналар.

4. Қишлоқ хўжалиги машиналари (трактор ҳамда ўзиюрар техникалар билан ишлатиладиган машиналарнинг барчаси):

плуглар;

чизеллар;

культиваторлар;

калта ва узун базали текислагичлар;

лазер бошқарувли текислагичлар;

тишли ва дискли бороналар;

молалар;

чигит экиш сеялкалари;

пневматик сеялкалар;

дон экиш сеялкалари;

пуркагичлар;

минерал ўғит сепгичлар;

органик ўғит сепгичлар;

тупроққа ишлов бериш учун актив ишчи органли агрегатлар, фрезалар;

зичлаб-боғлагич;

ариқ қазгичлар;

илдиз суғургичлар;

майдалагичлар

мотоблоклар;

мотокультиваторлар;
махсус боғдорчилик машиналари;
махсус сабзаёт-полиэчилик машиналари;
махсус чорвачилик машиналари;
махсус ўрмон хўжалиги машиналари;
пахта, дон қабул қилиш пунктлари, корхоналарида мавжуд бўлган махсус уруғлик саралаш ва бошқа машиналар, ускуналар (махсус технологик жиҳозлардан, тола ажратгич, тегирмон кабилардан ташқари);
қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган бошқа машиналар.
5. Ўрмон хўжалиги техникалари:
дарахт ва бута қолдиқларини майдалагич машина ва агрегатлари;
дарахт кесиш ва ёғоч тайёрлаш техникалари;
ўрмон хўжалигида фойдаланиладиган бошқа техникалар.

II. Мелиорация техникалари

1. Экскаваторлар
2. Бульдозерлар
3. Скреперлар
4. Очиқ сув ҳавзасига ўрнатиладиган кўчма ва стационар насослар (22 кВт ва ундан юқори қувватли двигателлар билан жиҳозланган)
5. Суғориш машиналари
6. Мелиорацияга тегишли бошқа техника ва машиналар

III. Йўл-қурилиш техникалари

1. Грейдерлар
2. Асфальт ётқизгичлар
3. Цемент-бетон йўл ётқизгичлар
4. Йўлга йўл белгиларни чизиш машинаси
5. Ўзиюар катоклар ва агрегатлар
6. Ўзиюар бетонқорғичлар ва стационар (иш ҳажми 25 м³/соатдан юқори) бетон қориш агрегатлари
7. Тош майдалаш агрегатлари
8. Барча турдаги юклагич чўмичли, грейферли, вилкалар (погрузчик)
9. Қувур ётқизувчи ўзиюар техникалар ва агрегатлар
10. Туннел қазилуш техникалари
11. Бурғулаш ўзиюар техникалари ва агрегатлари
12. Компрессорлар
13. Йўл фрезалаш машиналари
14. Йўл юза қатламини қайта тикловчи техникалар
15. Ўзиюар ва ўрнатма қозиқ қоқиш техникалари
16. Қор тозалаш машиналари
17. Йўл қурилишда фойдаланиладиган бошқа техника ва машиналар

IV. Жиҳоз ва асбоб-ускуналар

1. Техниканинг техник сервиси ва уларни таъмирлаш учун асбоблар ва мосламалар:

металлга ишлов берувчи станоклар;

кўчма ва стационар пайвандлаш қурилмалари;

темирчилик пресслаш асбоб-ускуналари;

электр энергияси билан ишловчи асбоблар, гидротизимлар, ёқилғи насослари ва форсункалар, двигателлар, бошқарув механизмлари диагностикаси учун қурилмалар.

2. Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини сервис ва таъмирлаш устахоналарида фойдаланиладиган бошқа жиҳозлар ҳамда ускуналар.

Изоҳ: юқорида қайд этилган техникалар идоравий бўйсунуви ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, Инспекция томонидан белгиланган тартибда назорат қилинади, давлат рўйхатидан ўтказилади ва мажбурий йиллик техник кўрикка жалб этилади;

шунингдек, ушбу рўйхатга киритилмаган, Транспорт вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ҳамда Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан рўйхатга ва назоратга олинмаган барча турдаги қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳам рўйхатга олинади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 29 апрелдаги 170-сон қарорига
8-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл қурилиш техникаларидан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 17 апрелдаги 325-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон Фармони)» 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 286-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини сод-

далаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон қарорига 4-илованинг 75-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат хизматлари кўрсатишнинг инфратузилмаси такомиллаштирилганлиги ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2021 йил 28 октябрдаги 661-сон қарорига илованинг 20-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Йўқолган ашёларни қабул қилиш, сақлаш ва эгаларига қайтариш ёки тегишли давлат ташкилотларига топшириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 18 январдаги 28-сон қарорига 2-илованинг 5-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни)» 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 604-банди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**

138 «Банклар ва уларнинг филиаллари биноларида касса тармоқларини тузилишига қўйиладиган техник талабларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2816-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 25 июндаги 18/2-сон «Банклар ва уларнинг филиаллари биноларида касса тармоқларини тузилишига қўйиладиган техник талабларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 2816, 2016 йил 26 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 30-сон, 366-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Миллий гвардия билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 29 март,
8/8-сон

Келишилди:

*Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазири*

Б. ЗАКИРОВ

2023 йил 14 март

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 25 апрелда эълон қилинган.

Фавқулодда вазиятлар вазири

А. КУЛДАШЕВ

2023 йил 16 март

Миллий гвардия қўмондони

Р. ДЖУРАЕВ

2023 йил 24 март

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувнинг 2023 йил
29 мартдаги 8/8-сон қарорига
ИЛОВА

«Банклар ва уларнинг филиаллари биноларида касса тармоқларини тузилишига қўйиладиган техник талабларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Қарор муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**».

2. Техник талабларда:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур техник талаблар банклар ва уларнинг филиаллари биноларида касса тармоқларини тузилишига қўйиладиган талабларни белгилайди.».

б) қуйидаги мазмундаги 45¹-банд билан тўлдирилсин:

«45¹. Банк бўлинмаларининг (филиал, банк хизматлари офиси, банк хизматлари маркази) нақд пуллари ва қимматликларини инкассация хизмати томонидан сақлаш учун қабул қилишда, инкассация хизматининг пул омбори мазкур Техник талабларда кўрсатилган банкларнинг пул омборига қўйилган талабларга мувофиқ бўлиши лозим.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

139 **Бенефициари бюджет ва корпоратив буюртмачилар бўлган тўловларни амалга оширишда тўланадиган воситачилик ҳақи (йиғимлар)нинг чегаравий миқдорини белгилаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3429*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 9 мартдаги ПҚ–88-сон «Аҳоли томонидан тўловларни амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 9 мартдаги ПҚ-88-сон «Аҳоли томонидан тўловларни амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратиш тўғрисида»ги қарорининг илова-сида кўрсатилган тўловларни амалга оширишда ҳар бир транзакция бўйича тўлов хизматлари учун бюджет ва корпоратив буюртмачилар томонидан тўланадиган воситачилик ҳақи (йиғимлар)нинг чегаравий миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи этиб белгилансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор 2023 йил 1 майдан эътиборан кучга киради.

Раис

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 25 апрель,
10/7-сон

Келишилди:

Иқтисодиёт ва молия вазири

Ш. КУДБИЕВ

2023 йил 25 апрель

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 26 апрелда эълон қилинган.

*Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

Д. КАСИМОВ

2023 йил 19 апрель

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

Д. ВАХАБОВ

2023 йил 19 апрель

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI HUZURIDAGI STATISTIKA
AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG‘I

140 Statistika hisobotini elektron shaklda taqdim etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida*

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 26-aprelda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3312-3

O‘zbekiston Respublikasining “Rasmiy statistika to‘g‘risida”gi va “Elektron raqamli imzo to‘g‘risida”gi qonunlariga hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrda PF–269-son “Yangi O‘zbekiston ma‘muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasining 2021-yil 16-iyundagi 9-mb-son qarori (ro‘yxat raqami 3312, 2021-yil 16-iyul) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 16.07.2021-y., 10/21/3312/0684-son) bilan tasdiqlangan Statistika hisobotini elektron shaklda taqdim etish tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Raqamli texnologiyalar vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Statistika agentligi direktori

B. BEGALOV

Toshkent sh.,
2023-yil 14-aprel,
30-mb-son

Kelishildi:

Raqamli texnologiyalar vaziri

Sh. ShERMATOV

2023-yil 14-aprel

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2023-yil 26-aprelda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi
direktorining 2023-yil 14-apreldagi
30-mb-son buyrug'iga
ILOVA

Statistika hisobotini elektron shaklda taqdim etish tartibi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan o'zgartirishlar

1. 1-bandda:

ikkinchi xatboshidagi “O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi” degan so'zlar “O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi (bundan buyon matnda Statistika agentligi deb yuritiladi)” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

o'n birinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“**qayta ishlash davri** — taqdim etilgan statistika hisobotini tahlil qilish va umumlashtirish uchun Statistika agentligi tomonidan belgilangan vaqt oralig'i. Qayta ishlash davri tegishli yig'ma statistika ma'lumotlarini O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan tasdiqlanadigan bir yillik statistika dasturida belgilangan tarqatish muddatidan oshmasligi kerak.”.

2. 6-banddagi “O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasining” degan so'zlar “Statistika agentligining” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

3. 7-banddagi “O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi” degan so'zlar “Statistika agentligi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

4. 8-bandda:

ikkinchi xatboshidagi “O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasining” degan so'zlar “Statistika agentligining” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

uchinchi xatboshidagi “Davlat statistika qo'mitasiga” degan so'zlar “Statistika agentligiga” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

5. 11-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“11. Respondentning elektron raqamli imzosi bilan imzolangan va o'zida majburiy rekvizitlarni to'liq aks ettirgan elektron shakldagi statistika hisoboti respondentdan chiquvchi hujjat deb hisoblanadi.”.

6. 16-banddagi “O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi” degan so'zlar “Statistika agentligi” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

141 «Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3003-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/14-сон «Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 3003, 2018 йил 1 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.05.2018 й., 10/18/3003/1140-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 29 март,
8/6-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил
29 мартдаги 8/6-сон қарорига
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Қарор муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президен-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 28 апрелда эълон қилинган.

тининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ–3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**».

2. Йўриқномада:

а) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тартибини белгилайди.».

б) 50-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, банклар ўртасида Марказий банкнинг «Нақд пулларнинг электрон майдони» дастурий мажмуаси орқали нақд пулларни етказиб бериш бўйича келишув амалга оширилган ҳолларда нақд пулларни ташиш учун Бош бошқармалар томонидан фармойиш чиқарилиши талаб этилмайди.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

142 Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3028-7*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/21-сон қарори (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.07.2018 й., 10/18/3028/1418-сон) билан тасдиқланган Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 31 март,
8/7-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил
31 мартдаги 8/7-сонли қарорига
ИЛОВА

Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 136-бандда:

бешинчи хатбошидаги «оч кўк ёрликлар бириктирилади.» деган сўзлар «оч кўк;» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«1000 сўмлик тангалар солинган қопчаларга — оч сариқ ёрликлар бириктирилади.».

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 28 апрелда эълон қилинган.

2. 326-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тижорат банклари (филиаллари) ўртасида Марказий банкнинг «Нақд пулларнинг электрон майдони» дастурий мажмуаси орқали миллий валютадаги нақд пулларни етказиб бериш бўйича келишув амалга оширилган ҳолларда, нақд пулларни ташиш инкассация хизматларининг тегишли таркибий бўлинмалари фармойишига асосан амалга оширилади.»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувнинг 2023 йил 29 мартдаги 8/8-сон «Банклар ва уларнинг филиаллари биноларида касса тармоқларини тузилишига қўйиладиган техник талабларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2023 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2816-2.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 25 апрелдаги 10/7-сон «Бенефициари бюджет ва корпоратив буюртмачилар бўлган тўловларни амалга оширишда тўланадиган воситачилик ҳақи (йиғимлар)нинг чегаравий миқдорини белгилаш ҳақида»ги қарори.

2023 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3429.

3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi direktorining 2023-yil 14-apreldagi 30-mb-son «Statistika hisobotini elektron shaklda taqdim etish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida»gi buyrug'i.

2023-yil 26-aprelda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3312-3.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 29 мартдаги 8/6-сон «Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2023 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3003-4.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 31 мартдаги 8/7-сон «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2023 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3028-7.